

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Содиқова Юлдузой

Салоҳиддин Салоҳийнинг “Гул ва Булбул”

достонининг мажозий талқини

5А 220101 – Адабиётшунослик
(Ўзбек адабиётшунослиги) мутахассислиги бўйича
магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган

**МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ**



ИЛМИЙ РАҲБАР:

ф.ф.н.Ф.Кийикбоев

АНДИЖОН 2013

“Ҳимояга тавсия этаман”

Иш раҳбари: ф.ф.н. Ф.Кийикбоев

“-----”-----2013

“Ҳимояга қўйишга рухсат

бераман”

Кафедра мудир: проф.С.Мирзаева

“-----”-----2013

“Ҳимояга тавсия этаман”

Расмий тақризчи:

“-----”-----2013

“Давлат Аттестатсия Ҳайъатига

ҳимоя учун тақдим этаман”

Факультет декани:

“-----”-----2013

Салоҳиддин Салоҳийнинг “Гул ва Булбул” достонининг мажозий талқини

Кириш

I боб Салоҳий ва ўзбек мумтоз адабиёти тарихи.

- 1. Ўзбек мумтоз адабиётида Салоҳий ижодининг ўрни.**
- 2. “Гул ва Булбул” достонининг тарихий асослари.**

II боб “Гул ва Булбул” достонининг ғоявий йўналиши.

- 1. “Гул ва Булбул” достонида халқчиллик.**
- 2. “Гул ва Булбул” достонидаги реал воқеаларни мажозий характерда акс эттириши.**

III боб “Гул ва Булбул” достонида тимсоллар силсиласи.

- 1. “Гул ва Булбул” достонида мажозий образларнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 2. “Гул ва Булбул” достонининг бадий талқини.**

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Магистрлик диссертациянинг умумий тавсифи .

Мавзунинг долзарблиги. “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди” деб ёзган эди мамлакатимиз президенти И.А Каримов. Дар ҳақиқат, шўро тузumi йилларида турли сабаблар билан унитилган кўплаб олиму адибларнинг муборақ номлари тикланди ва абадийлаштирилди, илмий – адабий мерослари нашр этилиб, кенг ўқувчилар оmmasига етказилди, улар ҳаёти ва ижоди юзасидан тадқиқотлар амалга оширилди. Шу билан бирга ҳам ўзининг маданиятимиз тарихидаги муносиб ўрнини топмаган атоқли сиймолар ўз тадқиқотчисини кутиб турган дурдона асарлар бир талай.

Мумтоз адабиётимиздаги қадимий эпик шеърят намуналари ва мумтоз ўзбек шеъряти асарлари истиқлол даврида нашр эттирилди ва оммалаштирилди.

XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган шоир Салоҳиддин Салоҳий ижоди мажоз характерга эга бўлиб, бадий услуб муаммоларини чуқур, атрофлича тадқиқ этиш, адабиётимиздаги бадий услублар хилма-хиллиги, ҳар қайси услубнинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қонуниятлари, услублар тақомилида анъана ва кашфиётчилик моҳияти юксак илмий моҳиятда ўрганиш ҳозирги замон адабиётшунослигининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди.

Хусусан XVIIасрнинг охири XVIIIасрнинг икинчи ярмида ўзбек мажозий усулларининг майдонга келиши ва унинг ривожланиш омиллари турли мажозий усулларнинг табиати ва хусусиятлари, мажозий усулларнинг адабий жанрлар, шеърый санъатлар, мажозий усулларнинг ҳар қайси ижодкор шахсияти билан боғлиқ жиҳатлари каби муҳим масалаларни илмий тадқиқ қилиб, уларнинг қонуниятларини белгилаш ҳозир замон адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан саналади.

XVII-XVIIIасрларда Марказий Осиёда юз берган жиддий ижтимоий – сиёсий воқеалар таъсирида кишилар онгида турмушни, яшаш тарзини ўзгартириш, эскича яшаш усулларини инкор этиш, янгича давлат барпо қилиш каби фикрлар пайдо бўла бошлади. Бундай фикр ва қарашлар ўзбек адабиётида, жумладан эпик

шеъриятда ҳам турли даражада ўз аксини топди. Замоннинг, турмушнинг энг долзарб масалаларини кўтариб чиқиш шеъриятнинг асосий мавзуйига айлана берди, соф ишқий мавзулар ўрнини шеъриятда кўпроқ ижтимоий воқеалик билан мавзу ва тушунчалар эгаллай бошлади. Халқнинг реал ўй фикрлари, орзу интилишлари, яшаш тарзини гавдалантирувчи кўплаб шеърлар яратилди. Адабиётда халқчиллик, инсонпарварлик, ҳаётийлик хусусиятлари янада кучайди.

Мустақилликдан кейин адабиётимизнинг очиқ қолган саҳифаларини янгича қарашлар ва мезонлар асосида тўлдириш, Салоҳийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишни ҳам кун тартибига долзарб вазифалардан бири сифатида қўйди.

Мумтоз адабиёт шунингдек XVII– XVIIIаср ўзбек адабиётининг ҳар бир қирраси ва даврини ижтимоий – сиёсий қараши билан ҳар бир шоир ва ёзувчилар у яшаган давр нуқтаи назар билан қараб мустақиллик ғоялари асосида фалсафий ҳулосалар чиқариш, халқимизнинг қалбига миллий онг руҳияти билан тарбиялаш, долзарб масалаларнинг биридир. Шу жиҳатдан юрт бошимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият, енгилмас куч” номли китоби эътиборга лойиқдир. Унинг қуйидаги фикрлари “Маънавият – инсонни руҳан покланиш қалби улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, идрокини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини улғайтирадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹, дегани ҳақиқи равишда адабиётимиз зиммасига юклатилган долзарб масалаларнинг биридир. Президентимиз “Маънавият” тушунчасининг миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган даражадаги ғоявий, мафкуравий – маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашлар мажмуаси сифатида ифодалаш ўринли, деб ҳисоблайди.

Мумтоз адабиётимизнинг буюк даҳоси Алишер Навоий ижоди ҳусусида юрт бошимиз ниҳоятда баланд руҳ, юксак ҳурмат, меҳр муҳаббат билан ёзади “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир” деб улуғлайди.

Юртбошимизнинг маданий меросга бўлган юксак эътиборидан дарак беради.

¹ Каримов И. А. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2008 йил

Шу жумладан мумтоз эпик шеърятини ривожлантиришда адабиётимиз тарихида сезиларли из қолдирган. XVII- XVIIIаср муаммоларини ечиб беришда муҳим ўринга эга бўлган Салоҳий ижоди ва унинг “Тул ва Булбул” достони мажозий характерга эга бўлиши билан бирга инсонларнинг маънавияти рухиятини тарбиялашда муҳим бадий ва илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Биз бу магистирлик диссертасиямизда ўзбек мумтоз адабиётидаги эпик шеърятнинг ривожланиш йўллари айниқса шоир Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонининг ғоявий–эстетик хусусиятлари ундаги мажозий тимсолларнинг жамоат ва табиат ҳақидаги қарашлари, бадиятнинг таъсир воситалари орқали қай тарзда ифодаланганлигини аниқлашни асосий вазифа қилиб олдик.

Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонида инсонпарварлик, ҳалқчиллик ғоялари юксак пафос билан куйланади. Унда гарчи мажозий образлар иштрок этсада, шоир ўзининг айтмоқчи, ҳал қилмоқчи бўлган муаммоларини инсон, унинг ақл–заковати, меҳнати мадҳ этилади. Инсон ҳаёти, турмуши, ҳаёт жараёнининг нуқтаи назаридан тасвирланади. Бу эса “Тул ва Булбул” достонидаги ҳалқчилликни кўрсатади.

Ҳалқчиллик замонларнинг ўзгара бориши билан ўзгара борди. Халқнинг миллий хусусиятларини, ўзига хос характерини маънавий киёфасини акс эттириш билан бирга, унинг фикрлаш, ҳис қилиш фазилатларини, расм-русинларини, орзу умидларини гавдалантиради.

XVIIасрнинг охири XVIIIасрнинг ўрталарида яратилган “Тул ва Булбул” достони ўзбек эпик шеърятининг намунаси сифатида юзага келган чинакам бадий асар сифатида ўзбек мумтоз адабиётида мажози характердаги бадий асар сифатида талқин этилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Ўзбек мумтоз адабиётида мажозий характердаги эпик шеърятни ўрганиш даражаси адабиётшунослигимизда ўзига хос аспектларда ўрганилган. Эпик шеърятда айниқса, XVIаср бошларида яратилган Мажлисиннинг “Қиссаи сайфул мулук” достони ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижодининг ўзига хос услуби, бир–бири билан боғланиб бориши ва бирикиб кетишининг гўзал намунасидир. Бу асардаги сюжет, композиция, образлар, бадий тўқима, тасвир воситалари халқ оғзаки ижодининг баракали таъсири борлигини яққол кўрсатади. “Қиссаи

Сайфулмулук” достонида қаҳрамоннинг саргузаштлари турли эпизодлар орқали маҳорат билан тасвирланади. Халқ оғзаки ижоди асосида “Тохир ва Зухра”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Булбул ва Гул”, “Баҳром ва Гуландон”, “Юсуфбек ва Аҳмадбек”, “Санобар”, Нишотининг “Хусн ва Оил”, Нодиранинг “Хафт гулшан” каби бир қанча дostonлар халқ орасида кенг тарқалди. Бу дostonлар меҳнаткаш халқнинг ҳамдарди, руҳий озуғи бўлиб қолди. Уларда Ватан, инсон ва унинг қудрати, шахс эркинлиги, дўстлик, қаҳрамонлик, хотин – қизларнинг ақл – заковати мадҳ этилди, ватанпарварлик, халқчиллик каби энг яхши инсоний фазилатлар қуйланди. Халқнинг дарду ҳасратларини, орзу истакларини акс эттирган бу халқ китоблари ёзма адабиётнинг энг яхши халқчил дардлари бўлиб қолди.

Шоир Салоҳий ижодига қизиқиш унинг “Гул ва Булбул” достони ҳақида илмий фикр ва мулоҳазаларни адабиётшунослигимизнинг олдига қўйиш ва эпик шеъриятимиз тараққиётида Салоҳий ижодининг ўрнини белгилаш масаласи муҳим муаммоларнинг бири бўлиб қолди. Бу ҳақда “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”нинг иккинчи жилдида (тузувчи олим Шарафуддинов) Салоҳийнинг “Гул ва Булбул” достони милодий 1740 (ҳижрий 1153) йилда ёзилган деб кўрсатилган ва дoston матни келтирилган.² “Гул ва Булбул” достони ҳақида илмий мулоҳаза юритган академик Б. Валихўжаев ҳам бу дoston хижрий 1153, яъни милодий 1740 йилда ёзилганлигини илмий жиҳатдан исботлаб берди. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Расул “Ўзбек эпик шеъриятида халқчиллик” мавзусида ёзган монографиясида Салоҳийнинг “Гул ва Булбул” достони ҳақида ҳам атрофлича илмий хулосаларни беришга ҳаракат қилади. Ҳамда академик А. Қаюмов “Сайланма”сининг еттинчи жилдида Салоҳийнинг “Гул ва Булбул” достони ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, ўзбек эпик шеърияти тараққиётида Салоҳий ижодининг ўрнига тўхталган.

Шоир Салоҳий мумтоз анъаналарни мувафакият билан давом эттириб, янги ғоявий–бадий мундарижага эга бўлган асарлар яратишдаги иқтидорлари хусусидаги кузатишлар баён қилинади. Шарқ адабиётининг порлоқ қуёши Алишер Навоий анъаналарига эргашиб ижод қилган шоирлар устоз шоирларнинг “Ҳамса” дostonларига эргашиб асарлар ёзгани маълум. Салоҳий “Гул ва Булбул” ҳақидаги дostonни ёзар экан, албатта устоз Навоийнинг мажозий характердаги “Лисон–ут–

²“Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”. 2 жилд. Тошкент 1945 йил. 124-129 бетлар. Тузувчи Олим Шарафуддинов.

тайр” достони анъаналарини давом эттирганлиги унинг ижодида яққол кўриниб турибди.

Салоҳийнинг ишқни мажозий образлар орқали ифодалаш усули Алишер Навоийнинг “Хайратул-аброр”³ асаридаги тўққизинчи маҳолат мундарижасига яқинлашиб кетади. Албатта бу Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” асарини Алишер Навоийнинг фалсафий–ахлоқий ва ижтимоий - сиёсиймавзуларда ёзилган жуда катта бир силсилани ташкил қилгани ҳолда, Салоҳий ўз асарида қаламга олинган ишқ мавзуи хусусидагина баҳс этади.

Демек Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” асари билан Алишер Навоийнинг “Хайратул-аброр”и билан яқинликни ташкил қилади. Салоҳий ўзининг “Тул ва Булбул” достони билан ўзидан олдин ўтган устоз шоирлар ижоди анъанавий равишда ўрганиб, ўз асарини мароқ билан ёзганлигини кўришимиз мумкин. Филология фанлари номзоди Адҳамбек Алимбеков истиқлол даври ўзбек адабиётида юзага келган дostonчилик ҳақида гапириб “дoston шеърят гултожи”⁴ деган эди. Ҳақиқатан ўзбек мумтоз адабиётида эпик шеърятнинг ўрни катта бўлиб, давр билан ҳамнафас бадий бўёқларда тасвирланган асарлар ҳалқимизнинг онг ва шуурини, тафаккир уммонларида янада чуқурлаштириб, доноликни тарғиб қилади. Шоирнинг “Вафонг кўрмадим қолдим жафогa”, “Фалак чархи мени саргашта қилди”, “Ёмон душвор эрур ёрдан жудолик” каби сер мазмун ҳикматли байтлар Салоҳий қаламига мансуб эди. Унинг замонга нисбатан айтган дарду аламлари бу сатрларда ифодаланган. Демак Салоҳийнинг эпик шеърятдаги ўрни унинг “Тул ва Булбул” достони ҳалигача тўла ўрганилган эмас. Қўлимизда шоир Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” дostonининг тўла матни бор.⁵ Дoston устида ишлаш даври етиб келди. Шу боисдан магистрлик диссертациянинг мавзуси қилиб танлаб олган бу дoston устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Магистирлик диссертациянинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Ушбу диссертация Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлар Университети “Ўзбек адабиёти” кафедрасида олиб борилаётган “Ҳозирги ўзбек

³ А. Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. VII жилд. “Хайратул-аброр” Тошкент 1991 йил 184 бет

⁴ Адҳамбек Алимбеков. Тошкент. “Шарқ Юлдузи” 2012 йил 3сон 105 бет.

⁵ Ўзбекистон фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик илмий тадқиқот институтида сақланаётган қўлёзма. ИНВ. Б.3402, 66 бет рақами билан сақланади.

адабиётшунослигининг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий–тадқиқот ишлари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади:

Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” эпик достони марказида турган муаммоларни бадиий талқин қилинишдаги тадрижи, бадиий тасвир сифати ва мазмунига давр ижтимоий муҳити, ижодкор дунё қараши таянилган ижодий–эстетик принципларнинг таъсирини очиб беришдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари: Тадқиқот олдига қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Шоир Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонининг матни устида ишлаш;
- Салоҳий ижодининг давр муаммолари билан боғлиқ тамонларини аниқлаш ва асарнинг ғоявий йўналишини белгилаш;
- Салоҳий ижодидаги тарихий манбаларда қайд этилган фактларнинг бадиий талқин қилинишига давр, ижодкор дунёқараши ва ижодий – эстетик принципларнинг таъсирини аниқлаш;
- Мажозий характердаги асарларда улар яратилган давр муаммоларининг акс этишини кўрсатиш;
- Кузатишларни умумлаштириб, Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достони ҳақида илмий ҳулосалар чиқариш.

Тадқиқот объекти ва предмети

XVIасрнинг охири ва XVIIасрнинг иккинчи ярмида яратилган Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонининг мажозий характери ва шу даврда яратилган мажозий достонлар ва у ҳақида 1945 йили филология фанлари доктори, профессор Олим Шарафиддиновнинг, академик Б. Валихўжаевнинг “Ўзбек эпик шеърят тарихи”, филология фанлари доктори Ҳамид Расулнинг “Ўзбек эпик шеърятда халқчиллик”, академик Азиз Қаюмовнинг “Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достони ҳақидаги илмий қарашлари, филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Солихованинг “Муҳаббатнома ва меҳнатком” достони ҳақидаги илмий фикрлари, ҳамда Ўзбекистон фанлар академияси Шарқшунослик илмий тадқиқот институтида сақланаётган Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достони, Шинжанг халқ нашриёти томонидан нашр этилган “Булоқ” мажмуасидаги Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достони асосий тадқиқот объекти қилиб олинди ва таҳлилга жалб этилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари.

Президент И. А.Каримовнинг миллий маффура, миллий ғоя ва маънавият масалаларига оид қарашлари, билимнинг универсал методи саналувчи диалектика таълимоти гуманитар фанларда кенг тадбиқ этилаётган герменевтика тамойиллари ишнинг умумий методологик асосини ташкил этади. Олдимизга қўйилган илмий мақсадга эришишда Ҳ. Ёқубов, М. Қўшқонов, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, О. Шарафиддинов, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Назиров, И. Ҳаққул, Д. Қуронов, Б. Валихўжаев, В. Абдуллаев, Ҳ. Расул, У. Ҳамдамов каби қатор ўзбек олимларининг Салоҳий ижоди мероси ҳамда адабиётда тарихий мавзуни ёритишнинг турли назарий муаммолари юзасидан билдирган илмий назарий қарашларига таяндик.

Ҳимояга олиб чиқаётган асосий ҳолатлар:

1. Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонида мажозий образлар асосида даврнинг сиёсий – ижтимоий ҳаёт воқеаларининг бадиий жихатдан ёрқин бўёқларда тасвирлаб бергани таҳсинга лойиқ бўлиб биринчи ўринга чиққан.
2. Салоҳийнинг эпик шеъриятда тасвир қўламини кенгайтириш, ўтмишни тарихий жихатдан ҳаққоний акс эттириш, ўтмиш орқали замонасини бадиий идрок этиш ва муносабат билдириш мақсадини кўзлаган.
3. Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достони ҳар бир илмий тадқиқотчилар томонидан Булбулни биринчи режага олиб “Булбулу - гулу” деб талқин қилувчилар фикрларига муносабат билдирган ҳамда “Тул ва Булбул” деб олишни лойиқ топдик ва бунга маънавий ҳуқуқ берилади.
4. Тарихий фактларнинг мажози характери ҳақида мавзуга қўл урган ижодкорларга образларни турлича қилиш имкониятини яратади.
5. “Тул ва Булбул” достонидаги муаллифнинг ижодий нияти, ижодий – эстетик принциплари, асар яратилган давр шарт – шароитлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган.
6. Сўз санъати тарихий воқеага бадиий образнинг хос ашъёси сифатида қараши, ижодкор уни ўз дунёқараши, идеалидан келиб чиқиб ижодий ишлаб чиқиши лозим.
7. Ўтмишнинг қайси жихатлари қаламга олинishi, қайси томонлари даврнинг ижтимоий–сиёсий, маънавий–руҳий эҳтиёжлари билан белгиланади.

Илмий тадқиқот ишнинг янгилиги.

Ўзбек мумтоз адабиётида Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” мажозий достони бадиий талқиннинг тадрижнинг ижтимоий–маънавий, ижодий, руҳий омиллари илк бор очиб берилгани: мавзунинг ёритилишига шоир таянган ижодий эстетик принциплар таъсири очиб берилган: тарихий асарнинг ҳамма вақт замонавий бўлишини таъминловчи омилларнинг яна бир бор такидлаб кўрсатилганлигини илмий янгилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Магистирлик диссертациясида чиқарилган илмий хулоса ва умумлашмалар таҳлил тамойилларидан XVIIасрнинг охири ва XVIIIаср ўзбек мумтоз адабиёти тарихи, адабиётимизда ўзбек эпик шеърятини таҳлил қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича амалга ошириладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация натижалари таълим тизими учун ўқув адабиётлари яратишда, филология таълими йўналишида ўзбек мумтоз адабиёти тарихи курсини, иш мавзусига яқин махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ушбу тадқиқотнинг натижалари ва хулосалари Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат Университети, филология факультети ўқув режасига киритилган. “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи”, “Ўзбек мумтоз адабиёти поэтикаси” ўқув курслари бўйича талабаларга ўқилган маърузаларда ўз ифодасини топган.

Тадқиқот ишининг синовдан ўтиши.

Магистирлик диссертация Андижон Давлат Университети ўзбек адабиёти кафедраси қошидаги Академик лицей тил ва адабиёт илмий кенгашларида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилди. Кафедрадаги илмий муҳокамаларда ўз мавзуси бўйича маърузалар ўқилди. Анъанавий Навоийхонлик ва Бобурхонлик анжуманларида “Навоий ва Салоҳий ижоди”, “Бобур ва Салоҳийнинг ўзаро адабий алоқалари” каби маърузалари билан қатнашди.

Натижанинг эълон қилинганлиги.

Илмий тадқиқотнинг асосий мазмуни Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонида мажоз” Андижон “Иқбол” газетаси, Алишер Навоий ижодида аёллар тимсоли, Андижон “Иқбол” газетасида “Муҳаммад Мирза Хайдар ижоди ҳақида” Андижон давлат университети “Илмий хабарнома” 2012 йил 3сон, Наманган

давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси томонидан чоп этилган илмий тўпламида “Салоҳий ижодининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусидаги илмий мақоласи эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 80 саҳифадан ташкил этади.

I Боб

Салоҳий ва ўзбек мумтоз адабиёти.

1§. Ўзбек мумтоз адабиётида Салоҳий ижодининг ўрни.

XVII асрнинг тарихий шароити ва маданий муҳитига доир келтирилган фактлар ва мулоҳазалар феодал–клерикал зулм ва истибдоднинг авж олганини, меҳнаткаш халқ оммасининг қашшоқлиги ва хонавайронлиги янада кучайиб кетганини кўрсатади. Бу ҳол, албатта, ҳоким синф билан маҳкум синф ўртасидаги ижтимоий зиддиятларни, мафкуравий қарама–қаршиликларни чуқурлаштирмасдан, кескинлаштирмасдан қолмас эди. Бадий адабиётда ҳам, маданий ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек икки оқим ўртасида, икки мафкуравий йўналиш ўртасида қаттиқ кураш борди.

Меҳнаткаш халқ томонидан яратилган фольклор асарларида халқнинг феодал–клерикал зулмига қарши норозилиги, нафрати ва ғазаби, унинг бахт–саодат, эркинлик ва фаровонлик ҳақидаги орзу – армонлари ўз бадий ифодасини топган эди. “Тоҳир ва Зухро”, “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” каби халқ китобларига айланиб кетган дostonлар шулар жумласидандир.

Ёзма адабиётда ҳам икки оқим – прогрессив оқим билан реакцион оқим ўртасида қаттиқ кураш боради. Демократик тенденциядаги адабиёт прогрессив оқим бўлса, феодал клерикал адабиёт реакцион оқим эди.

Демократик тенденциядаги адабиёт халқ оммасининг феодал истибдодига қарши норозилик кайфиятларини ифодалади, мамлакатни хароб, халқни хонавайрон қилувчи ўзаро феодал урушларини қоралади, хон ва амирларни, шайх ва зоҳидларни ҳажв қилди, уларга қарши лаънат тошлари ёғдирди. Демократик тенденциядаги адабиёт ўз ғоявий йўналиши билан халқчил бўлгани каби, у тил ва

услуги, бадий формаси билан ҳам халққа, халқ ижодиётига яқин эди. Демократик тенденциядаги адабиётда реализм тенденциялари, сатира жанри ривожланди. Бу адабиётнинг намоёндалари халқ оғзаки ижоди тажрибаларидан ва ёзма адабиётнинг Навоий каби буюк устозлари ижодидан таълим олдилар.

XVIIасрда давом этган феодал тарқоқлиги процесси XVIIIасрда янада кучайиб, мавжуд икки хонлик (Бухоро ва Хива) уч хонликка (Бухоро Хива ва Қўқон хонликлари) ажраб кетди. Феодал тарқоқликнинг кучайиши ва шу туфайли юз берган ўзаро феодал урушлар ҳамда қўшни феодал ҳукмдорларнинг тажовузкорлиги, жумладан, Нодиршоҳ Афшорнинг Марказий Осиё территориясининг бир қисмини забт этиши ўлкани ҳаробликка, аҳолини қашшоқликка ва хонавайронликка гирифтор этиб, иқтисодий ва маданий ҳаётни тушкунлик ва қалоқлик сари судрар эди. XVIIIаср биринчи ярми адабиёти ўзбек адабиёти тарихи тараққиётнинг муҳим бир босқичидир. Бу босқичда реакцион феодал–клерикал адабиётга қарши курашда мамлакат ва халқ манфаатларини, меҳнаткаш омманинг феодал истибдодига қарши норозилигини, унинг бахтли–саодатли ҳаёт ҳақидаги орзу–хавасларини ифодаланган прогрессив адабиёт – демократик тенденциядаги адабиёт ўсди, ривожланди, камол топди. Шу даврда бир қатор истеъдодли ёзувчиларнинг етишуви, қимматли бадий асарларнинг вужудга келиши, “Мунтахаб–ал–луғот”, А. Навоийнинг “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларининг юзага келиши билан белгиланди.

XVIIIасрдаги ижтимоий ҳаёт, мафкуравий кураш бадий адабиётда ҳам ўз аксини топди. Бу даврда яшаган адабиёт аҳллари ўз дунёқараши, эстетик принципи, ҳаёт воқеаларига муносабати, ижодий услуги ва диди билан бир хил позицияда эмас эдилар. Адабиёт аҳллари ўз бадий ижодиёти билан бевосита (айримлари эса билвосита) икки адабий оқимни ташкил этар, ўз асарлари билан шу икки адабий оқимдан бирига келиб тугашар эдилар. Бу адабий оқимлардан бири ҳукмрон–эксплуататор синфнинг дунёқараши ва манфаатларини ифодалаган реакцион феодал–клерикал адабиёт бўлиб, иккинчиси халқ манфаатларини ифодалаган прогрессив адабиёт, демократик тенденциядаги адабиёт эди. Шу икки адабий оқим ўртасидаги кураш адабий муҳитнинг социал моҳиятини кўрсатувчи муҳим факторлардан биридир. Бадий адабиётдаги бу кураш жамиятдаги синфий курашнинг ифодаси эди. Мана шу курашда прогрессив адабий оқим ўсди, такомиллашди, тобланди, реакцион адабиёт эса ғоявий–эстетик жихатдан

тушкунлашди, у жамият тараққиётига, илм—маърифат ва маданиятнинг ўсишига тўсқинлик қилди, реакцияни авж олдиришга хизмат этди.

Прогрессив адабий оқимнинг ғоявий—эстетик моҳияти, услуби, тили ва поэтик хусусиятлари ҳақида сўзлашдан олдин бу адабий оқимнинг тараққиёт замини ва факторларини белгилаб олиш зарур. Халқ оғзаки ижоди, аввалги босқичлардаги ўзбек (классик) мумтоз адабиётнинг, хусусан Навоий ижодиётининг тараққийпарварлик тенденциялари ва бошқа халқлар билан бўлган адабий—маданий алоқалар шу даврдаги прогрессив адабий оқимнинг ғоявий—бадий тақомилига самарали таъсир этган адабий факторлар бўлди. Прогрессив адабий оқимнинг энг муҳим хусусияти унинг ҳаётга, халқнинг турмуши ва орзу—интилишларига тобора яқинлашиб боришидир. Бу ҳол прогрессив адабиётни тематик жиҳатдан бойитди, ғоявий—бадий жиҳатдан такомиллашгирди, реализм тенденцияларини ўстирди, услуб равллиги ва тил бойлиги учун хизмат қилди. Прогрессив ёзувчилар ўз асарларида ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни, эксплуататорларнинг қажнатқич зулми остида меҳнаткаш омманинг ҳонавайрон бўлишини, феодал ва руҳонийларнинг товламачилиги, мунофиқлиги, ўзаро феодал урушларнинг мамлакатни хароб қилишини, хотин—қизларнинг ҳуқуқсизлигини, жаҳолат — бидъат билан илм маърифат, разолат билан олижаноблик ўртасидаги курашни акс эттирдилар.

Узоқ ўтмишдан бошлаб XV асргача бўлган ўзбек адабиётидаги эпик шеърининг ривожланиши ва ундаги халқчилликнинг асосий масалалари кенгая, такомиллаша бориб, Навоий дostonларида ўзининг энг юксак ифодасини топди. XVII асрнинг биринчи ярмида вужудга келган эпик шеърининг ўтмишдаги мумтоз адабиётимиз, айниқса, Навоий анъаналарини давом эттириб ривожлана борди.

XVI аср бошларида яратилган ”Қиссаи Сайфулмулк” дostonи эса ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижодининг ўзига хос услуби бир — бири билан боғланиб бориши ва биринчи кетишнинг гўзал намунасидир. Бу асардаги сюжет, композиция, тинсоллар, бадий тўқима, тасвир воситалари халқ оғзаки ижодининг баракали таъсири борлигини яққол кўрсатади. Бу асарлар бутун бутун авлодларнинг эстетик хусусиятини, фикр ва онгини тарбиялашда, мардлик, қахрамонлик, ватанпарварлик, халқчиллик ҳислатларини сингдиришда катта рол ўйнади.

Бу давр адабиётида шоир Салоҳий ”Тул ва Булбул” дostonини ёзган бўлиб, бу дostonининг мисраларида берилган йилномаларга қараганда мелодий XVII аср

охири XVIIIаср иккинчи ярмида яшаб ўтган шоир деб тилга олади. Шоир Салоҳий бу ўз асарида ўзининг тўлиқ таржимаи холини бермаган. Фақат асарнинг хотима қисмида асарни ёзишдаги мақсади ва ёзилган вақти ҳақида шундай деган:

Ўқубон сайр қилсунлар бу достон

Ки ошиқлар учун гулистон

Эшт тарихни булбул каби уч

Бўлиб бир минг ва бир юз эллигу уч

Демак шоир бу асарини хижрий 1153 – (мелодий 1740) йилида ёзган. Олдинги замонларда яшаб ижод қилган адибларнинг ва шоирларнинг кўп қисми манманлиқ, ўзини кўз кўз қилишдан эҳтиёт қилиб асарларида ўз номини ва таржимаи холини қолдирмасликни одат қилган эди.⁶ Шоир Салоҳиддин Салоҳий шарқий Туркистоннинг Оқсу вилоятида Қучор шаҳри Шаҳёр туманида таваллуд топган. Унинг асл исми Мулла Алам бўлиб, Бухорода ҳам яшаб ижод этган.

Ўзбек адабиётшунос олими Б. Валихўжаев Салоҳийни тожик тилида шеърлар, достонлар яратганлигини маълум қилади.⁷

Шарқ мумтоз адабиёти хазинасида ўзига хос ўринга эга бўлган “Тул ва Булбул” достони тил услубининг равон бадиияти, юқори хилма – хил тасвир воситаларининг мувофиқлиги ғоявий мазмунини чуқур манодорлиги билан кўзга ташланади. Лирик шоир Мулла Алам Шаҳерий ўзининг бу гўзал достони билан шарқ адабиёти хазинасида муносиб ўринга эга бўлган. Достон муаллифининг таржимаи холи ва ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳамда шоир исмининг Мулла Алам Шаҳерий деб айтилганлиги, бу достоннинг ёзилган вақти хижрий 1153 – йилда аниқ кўрсатилганлиги сабабли бу талантли шоир XVIII асрнинг биринчи ярмида Оқсу вилоятига қарашли Шаҳёр (ҳозирги Шоёр)туманида дунёга келган.⁸ Ўз замонасида билим савияси юқорилиги билан бошқалардан ажралиб турар эди. Достонда ўртага қўйилган жамият, табиат, инсон ҳақидаги ижтимоий тафаккури фалсафий қарашлари мажозий образлар орқали очиб берилган. Ўша даврдаги реалистик бўёқлари шоир фалсафий фикрларини мантиқан ёритилганлигини бадий ифодалаш иқтидорининг камолот даражасига етганлигини аниқ кўрсатиб беради. У

⁶ Нашрга таёрловчи Абдурашид Ислохий, Булоқ мажмуаси. Шингжон халқ нашриёти 1985йил 15 сон 225 бет

⁷ Б. Валихўжаев “Ўзбек эпик поэзияси тарихидан” Тошкент 1974 йил

⁸ Воҳид Ғофур, Асқар Хусайн. “Уйғур классик адабиёти тезислари” Бейжинг миллатлар нашриёти 1987 йил

жамиятнинг реал ҳаётини узоқ ўрганди ва тадқиқ қилди. У ўзи яшаб турган жамиятдаги феодализм тузумини мудҳиш кўринишини муайян тарихий жараён давомида ёши бир ерга бориб қолган вақтда бу дostonни ёзганлиги маълум. Дostonда кишини ўзига жалб қиладиган чуқур ижтимоий мазмунга эга бўлган юқори савиядаги бадиий маҳоратга асосланиб Мулла Алам Шаҳерийнинг фақат “Тул ва Булбул” дostonи билан чекланмаган бўлиши мумкин. Унинг яна жуда кўп лирик ғазаллари, рубоийлари бўлганлиги маълум. Академик Б. Валихўжаев Салоҳийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” асарининг борлигини ва у 1758 йилда ёзилганлигини маълум қилади.

Дostonнинг умумий ҳажми 1626 мисрадан таркиб топган. Бу дoston маснавий шаклда ёзилган. Демак унинг юқоридаги ижодий фаолияти ўзи яшаб турган муҳитни маънавий қиёфасини дунёнинг гўзаллигини тараққийпарвар фикрларини берган. “Тул ва Булбул” дostonининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унда Салоҳий ўз замонидagi ҳукмрон табакаларга бўлган нафратини мажозий равишда ифодалайди. Натижада янги ҳодиса яъни шоирона тасвир билан реал воқелик биргаликда намоён бўлади.

“Тул ва Булбул” XVIIIасрда яшаб ижод этган шоир Салоҳийнинг қаламига мансуб бўлиб, ҳижрий 1153, яъни 1740 йилда ёзилган.

Шоир Салоҳий ҳаётига оид ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Дostonнинг бадиий жихатдан бирмунча пухта, марокли ёзилганлиги муаллифнинг ўз замонидa кўзга кўринган ёзувчилардан бири бўлганидан дарак беради. “Тул ва Булбул” дostonи Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтидаги 3402, 5354 сонли қўлёзма китобларда сақланади. 3402 номерли қўлёзмада дostonнинг тўла кўчирилган нусхаси бор. 5354 номерли қўлёзма китобида эса 21 варақдан 45- варақчага дostonдан парча берилган. Бундан ташқари Россия фанлар академиясининг шарқшунослик институти Санкт–Петербург бўлимида А836 сонли қўлёзма китобда ҳам “Тул ва Булбул” дostonи сақланади.

Ўтмиш ўзбек эпик асарларда ҳамд, наътдан сўнг илоҳий куч томонидан дунёнинг яратилиши ва унда юз берган илк ҳодисалар тасвирланади. XVIIIаср шоири Салоҳий ҳам ана шу анъанани давом эттиради. Сўнгга муаллиф “Оғози дoston “Тул ва Булбул” деб асл мақсадга кўчади. Дostonнинг кириш қисми 814 байт, яъни 1628 мисрадан иборатдир. Шоир дostonнинг кириш қисмида Мулло

Ғурбатийнинг “Тул ва Булбул” китоби борлигини ва ўзи унга ранг бериб ширин назмлар билан янгидан ҳикоя қилганини (“Мулла Ғурбатийнинг айтқон Гули Булбул китобини ҳажмида Абу Салоҳ айтибдур”) баён этади.⁹

Бу сатрлар Салоҳидан илгари “Тул ва Булбул” достонини Ғурбатий деган шоир ёзгани ҳақида маълумот беради. У ўзининг ёзган мисралари XVIIIаср шоири Сўфи Оллоёр асарларидек равон, равшан, аниқ бўлишни, жозибадорликда муҳаббат аҳлига завқ ва шавқ бағишлашини орзу қилиб, Ғурбатийга ҳурмат изҳор қилади.

Маълумки, ўзбек, форс – тожик ва озарбайжон адабиётларида мавжуд бўлган кўпдан кўп фалсафий ахлоқий мундарижадаги асарларда муаллифлар ўзларининг муҳаббат, меҳнат, адолат, қаноат ҳақидаги қарашларини баён қилганларидан кейин шу ижтимоий ахлоқий мавзунини образлар воситасида гавдалантириб беришга қаратилган ҳикоятлар келтирадилар. Масалан “Ҳайратул-аброр” достонида “Салотин бобидаким” деб бошланувчи учинчи мақолотда, подшолар, уларнинг тожу тахт, мулку мамлакат соҳиблари сифатидаги жавобгарликлари, адолат қонунларига риоя қилишлари хусусидаги чуқур мушоҳадалардан кейин шу мақолот таркибида “Шоҳ Ғозий қаҳрининг сарсараси бир” саркаш хўшани барбод этиб, адлининг суйи ул хўша бутган бузуғ мазраани обод қилғони” ҳикояти келтирилади. Карам васфидаги еттинчи мақолот таркибида эса ўз қараму саховати билан халқ оғзига тушган “Ҳотами тойи” ҳикоятига кўзимиз тушади.

“Тул ва Булбул” васфи Шарқ халқлари оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётнинг энг қадимги мавзуларидандир. Бу икки ном ошиқ ва маъшуқаларнинг рамзий образлари сифатида ҳам адабиётда жуда эрта ишлана бошлаган ва даврларнинг ўтиши билан юзага келган кўплаб асарларнинг мавзуси бўлиб қолган. Ўзбек адабиётшуноси профессор Б. Валихўжаев ўзининг эпик поэзияси тарихига бағишланган тадқиқотига тўғри таъкидлаганидек, “ҳар бир муаллиф яратган “Тул ва Булбул”да ўзига хос хусусиятлар образларнинг талқин этишда оригиналлик кўзга ташланиб туради. Шу жиҳатдан қараганда бир хил номланган ёки қаҳрамонлари ўхшаш бўлган асарларни таҳлил қилишда ана шу хусусиятларни

⁹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти. Қўлёзма инв 3402

асар яратилган давр, муаллиф кўзлаган мақсадни, унинг адабий эстетик принциплари ва умуман дунёкарашини эътиборга олиш шарт”¹⁰

Туркий халқлар адабиётларининг кўпида “Тул ва Булбул” дostonларини учратиш мумкин. Бу мавзуга яқин асарлардан бири Ҳайдар Хорамзмийнинг “Тул ва Наврўз” дostonидир. Кейинча туркман адабиётида Шобанданинг XVIIIаср “Тул ва Булбул”, уйғур адабиётида ҳали Хирқатий ва Салоҳийларнинг “Тул ва Булбул” манзумалари юзага келди.

Бу асарлар сюжет қурилиши, образларнинг танланиши жиҳатидан бир–бирига маълум даражада яқин турсада уларнинг ҳар бири ўзига хос бир бадиий оламдир. Шу сирада уйғур шоирлари қаламига мансуб “Тул ва Булбул” дostonлари, бир томондан, Шарқ адабиётининг гуманистик анъаналари билан яқиндан алоқадорлиги, иккинчи томондан, уйғур халқининг тарихи, адабиётида муҳим бир ходиса сифатидаги хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Ўзбек адабиётшунослигида “Тул ва Булбул” дostonлари ҳақида гап борганда бу мавзудаги тўнғич асар сифатида Ҳайдар Хорамзмийнинг “Тул ва Наврўз” дostonи қаламга олинади. Кейинча юзага келган асарлар жумладан, Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” дostonи Ҳайдар Хорамзмийнинг “Тул ва Наврўз”и билан муқоясали таҳлил этилиб, Салоҳийнинг Ҳайдар Хорамзмий дostonи мавзу ва образлардан баҳраманд бўлгани ҳолда ўз асарида мустақил йўл тутганлиги таъкидланади. Б. Валихўжаевнинг монографиясида уйғур шоири Ҳирқатийнинг “Тул ва Булбул” дostonинга қисқа тўхтагани ҳолда унинг “Тул ва Наврўз”дан талай тафовутларга эъканлигини қайд этади.

Б. Валихўжаевнинг илмий тадқиқотида “Тул ва Булбул” тилидаги асарларни масал поэма сифатида характерлайди ва Хорамзмийнинг “Тул ва Наврўз”, Алишер Навоийнинг “Лисонут - тайр”, Салоҳийнинг “Тул ва Булбул”, Нишотийнинг “Хусн ва Оил” каби асарлари масал – поэмага яқин мисол бўла олади” деб ёзади.

“Тул ва Булбул”, буларнинг бири баҳорнинг хусну латофати, иккинчиси эса шу мафғункор табиат мўжизасининг қуйчисидир. Баҳорнинг келиши, баҳор ёмғирларидан баҳравар сабзаларнинг ерга алвон гиламлар тўшалгандан товланиши “Девону луғотит - турк” дан ўрин олган шеърларда ҳам қуйланган эди.

¹⁰ Валихўжаев Б. “Ўзбек эпик поэзияси тарихидан” Тошкент 1974йил. 57 бет

Демак Салоҳий илоҳий субстанция оламининг ўзида кўриниш беради. Олам, дунё ойина каби худонинг аксидан иборатдир. Навоийнинг фикрича, илоҳиётнинг шундай кўриниши сифатида майдонга келган борлиқнинг кўрки инсондир. Худо табиат қиёфасида зуҳр этган экан, дастлаб оламнинг вужудга келиши ҳам инсон учундир. Худди шунинг каби Салоҳий “Тул ва Булбул” достонида инсонни шарафлаб, уни худо ҳамма мавжудотдан, ҳатто фаришталардан ҳам юқори қўйгани, инсон муҳаббатини эса энг яхши фазилат эканини, шу фазилатга эга бўлгани учун инсон ҳамма нарсадан улуғ, деб таъриф этади. Шу билан бирга Салоҳий буюк устоз Навоий каби ҳаётни севиш, кадрлаш, ҳаёт неъматларидан имкони борича фойдаланишни тавсия этади. Салоҳийнинг илгари сурган бу ғояси ўз замонидаги илғор фикрларни ўзида акс эттиради.

“Тул ва Булбул” достонининг тарихий асослари.

XVI– XVIII асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий, иқтисодий ҳаёт бирмунча ривожлана борди. Ҳунармандчиликнинг ўсиши савдо муносабатларининг авж олишига имкон туғдирди. Марказий Осиёда ип – газламалар, олача, хом сурп, бўз, гулдор газламалар юқори сифатли қилиб ишлаб чиқарилди. Тўқимачилик ишлаб чиқариши билан бир қаторда ҳунармандчилик саноатида қурол–яроғлар, металл буюмлар, мисдан ясалган нақшли идишлар, қулол асбоблари, қоғоз ишлаб чиқариш катта ўрин тутди.

Марказий Осиё билан унинг атрофидаги мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари кенгая борди. Хива, Бухоро элчилари, савдогарлари Россия, Ҳиндистон, Эрон, Сибирь мамлакатларига қатнадилар. Шундай қилиб мамлакатда иқтисодий ҳаёт жонлана борди. Лекин мамлакатда рўй бериб турган иқтисодий, сиёсий танглик маданий ҳаётда ҳам таъсир қилмай қолмади. Дарвеш, эшон, руҳонийлар таъсири кучая борган сари теология алоҳида ҳурмат ва эътибор қозона борди. Руҳонийлар диний адабиётни–диний шеърлар, ахлоқий ҳикоялар, дидактик таълимотларни кенг тарқатишга интилди. Шунга қарамай, халқнинг орзу–умидларини ўзида акс эттирган оғзаки, ёзма адабиёт давом этади. Бу адабиёт вакиллари дунёдан воз кечиш, тарки дунё қилиш каби мистик ғояларга қарши курашдилар. Турди (Фароғий), Машраб, Нишотий каби шоирлар ҳукмрон синфнинг маънан қашшоқлиги, жоҳиллиги, ўзбошимчалигини фош этиб, эксплуатация қилинган феодал зулмга қарши норозилигини акс эттирдилар. Салоҳий шу даврда ижод қилди, лекин шоир ўз қарашларини ислом дини таълимоти асосида ифодалар экан, у мажоз усулидан, рамзлардан фойдаланиб ўз даврига нисбатан бирмунча илғор ғояларни, энг яхши инсоний фазилатларни тарғиб этди. Шоир персонажларнинг фаолияти, ҳулқ- атворини очик ойдин чизиб бермайди, фақат айрим хусусиятлари тўғрисида сўз юритади. Улар устидан мулоҳаза юритиш ва ҳукм чиқаришни китобхонга ҳавола қилади. Лекин персонажларнинг айрим характери, феъл–атворини конкрет чизиб, адолатсизликка, мағрурликка, мактанчоқликка қарши, адолат, камтарлик, соддалик, самимийлик, қаноат, саховат каби кишиликнинг энг яхши хусусиятларини тараннум қилади. Феодализм жамиятидаги ҳақсизликларни ўз кўзи билан кўриб турган, унга қарши

ҳалқ нафратини изҳор этган, ҳаётий фикрларни акс эттирган шоир тасаввуфнинг мистик таълимоти асосида бу дунёдан воз кечиш ва мажозий ишқ йўлида жонни фидо қилиш борасида фикр юритади.

Жаҳон раъносига бўлма гирифтор

Анинг ишқида бўлма зору афгор

Жаҳон раъносининг йўқдир баҳоси

Баҳоси йўқ анинг ҳамда вафоси¹¹

Лекин шоир асарида бундай мистик фикрларни ифода қилиш билан бирга ўз замонидаги бадхулқ шахсларни, уларнинг ярамас кирдикорларини танқид этади, ҳаётий масалаларни қўяди, кишиларни яхшиликка, инсоний фазилатларни ўзлаштиришга ундайди.

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги булбул қалбига ўт солган гул ва булбул ҳақидаги лавҳалар билан танишганда, хусусан, у ердаги булбул ва зоғнинг савол–жавобидан иборат ҳикоятга қулоқ тутганда Навоийнинг бу тасвирлари билан Ҳирқатийнинг “Тул ва Булбул” достони ўртасида мантикий бир боғланиш борлигига қаноат ҳосил қиламиз. Шубҳасиз, Ҳирқатийнинг туркий тилдаги адабиётда, жумладан, ўз она тилидаги адабиётда ўзгача мавжуд анъаналар билан ҳам таниш эди. Шоир ҳалқ оғзаки ижоди асарларидан ҳам ижобий таъсирланган бўлиши муқаррардир.

Муҳаммад Имин Ҳирқатийга яқин бир даврда яшаган Ғурбатий таҳаллуси бир шоирнинг ҳам “Тул ва Булбул” номи билан дoston яратганлиги шоир Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достони муқаддимасида келтирилган маълумотлар орқали биламиз. Салоҳий ана шу шоир асари ҳақида фикр юритаётганда

Бўлиб фата баҳори Қошғардин,

Тоғиб таълим сафо бу сўзлардин,

мисраларини қўллайди.

Ҳирқатий ўз достонида Шарқ муҳаббатномаларининг энг яхши анъаналарини давом эттиргани ҳолда Тул ва Булбул рамзий образларидан

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзма, инв. 3402, в.82

фойдаланиб ўзининг жамият ва табиат ҳаётига оид қарашларини поэтик тарзда ифодалашни мақсад қилиб олади.

Достон воқеалари Булбул, Гул ва Сабо образлари ўртасидаги муносабатлар асносида ривожланиб боради.

Сабо—тонгнинг оромбахш шабадаси—Шарқ адабиётида ошиқнинг маъшуқага ва ўз навбатида маъшуканинг севгилисига дуою саломларни етказиш йўлида воситачи ролини адо этиб келган фидойи рамзий бир образ сифатида шуҳрат тутгандир. Сабога хитоб Ҳофиз ва Саъдий, Ҳайдар Хоразмий ва Навоий ғазалларида кўп учрайди. Фурқатнинг “Сабога Хитоб” махсус маънавий мактуби мавжуддир. Шундай қилиб дастлаб лирик асарларга кириб борган Сабо аста секинлик билан эпик асарларнинг қаҳрамони даражасига кўтарилган. Жумладан, Сабо Гул ва Булбул образлари асосий ўринни ташкил қилган асарларнинг ҳаммасида иштрок этади.

Сабо яхшилик, эзгулик элчисидир. У субҳи содиқдан бошлаб тоғу тошларни, боғу роғларни, гулшанларни кезади. Одамларнинг қалбига ором бағишлайди. Шарқ халқлари оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиёти асарларида қуйланганидек, ошиқларнинг қалбини қалбига боғлайди.

“Гул ва Булбул” достони алоҳида бир жанрга мансуб достондир. Маълумки Алишер Навоийнинг “Лисон-ут-тайр” асари ўзбек мумтоз адабиётида эпик турнинг янги бир жанридаги намунаси бўлган фалсафий достондир. Навоий ўз фалсафий қарашларини мажозий образлар орқали ифодалаган. Салоҳий ҳам Навоий каби ўз дунёқараши, фикр ва мулохазаларини булбул ва сабо образи орқали ифодалашга интилан. Бошқа қушлар орқали ўз замонидаги феодализм, зодагонлар, бей рухонийларнинг дунёқарашларини тасвирлаган.

Салоҳийнинг “Булбул ва Гул” достонида Булбул Гулни излаб унинг висолига эришади. Навоий асарида қушлар Семурғни излайдилар. Шоир уни энг олий борлиқ ҳисоблайди. У худони оламдан ташқарида эмас, шу оламнинг ўзида, бутун коинот ва мавжудотда мужассамлашган, ҳар бир кимса ва ҳар бир нарсада зухр этган олий субстанция деб тушунилади.

Худди шунингдек, Салоҳий ўзининг “Гул ва Булбул” достонида “Мантиқ-ут-тайр”изидан эмас, “Лисон-ут-тайр ” изидан баради. Худонинг зухрини борлиқда – Гулда, инсонда кўради. Салоҳий ҳам инсонни улуғлаб, унинг ҳаётий моҳиятини

эътироф этади. Ҳирқатийнинг “Тул ва Булбул” достони Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достони орасида ҳам, баъзи бир ўхшаш томонлари бор. Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида Искандар образи талқини давомида махсус “Булбул ҳикояти ким” деб бошланувчи кичик боб мавжуд. У ерда ҳикоя қилинишича, бир боғда булбул куйиб–ёниб фиғон чекаётганида булбулни кузатиб турган зоғ яқинлашиб уни эзмалиқда, саботсизликда айблайди ва дейди: “Эй булбул, сен боғда бир ой жўш уриб куйлаб, ўн бир ой ғам андуҳда юрасан. Бу ишинг учун чаман гулларида уялмайсанми” шунда булбул устки либоси каби ички олами ҳам қора бўлмаган қарғага қарата аччиқ – аччиқ сўзлаб унинг оғзини тикиб қўйгандек бўлади. Булбул ўзининг ғам-андуҳларининг сабабини изоҳлар экан, чаманда гул бир ойгина юз кўрсатади ва қайта баҳор келгунга қадар мен ўн бир ой худоликка маҳкумман. Оху фиғонийларимнинг боиси шундадир. Ишқ – муҳаббатдан беҳабар сен нимани ҳам англай эдинг, деб айтади. Бу жавобдан қарға янада қорайиб кетади ва ҳомуш қолади.¹²

“Садди Искандарий” достонидаги булбул қалбига ўт солган гул ва гул шавқида ҳамиша навокор булбул ҳақидаги лавҳалар билан танишганда хусусан, у ердаги булбул ва зоғнинг савол – жавобларидан иборат ҳикоятга қулоқ тутганда Навоийнинг бу тасвири билан Ҳирқатийнинг ва Салоҳийларнинг “Тул ва Булбул” достонлари ўртасида мантиқий бир боғланиш борлигига қаноат ҳосил қиламиз.

Салоҳий бадий образларни яратишда, ҳаётнинг турли лавҳаларини чизишда қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини тасвирлашда буюк устоз Алишер Навойдан намуна олади ва Навоий каби фикр–мулоҳаза, хис–туйғуларни ифодалаш учун интилади. Унинг қушлар билан булбул орасидаги мунозараси шоирнинг анчагина маҳоратга эга эканини кўрсатади. Бу мунозара “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хисрав билан Фарҳоднинг диалогини эслатади.

Деди қушлар: на деб холин паришон,

Деди Булбул: жонимда доғи ҳижрон.

Деди қушлар: на деб саргашгадурсен?

Деди Булбул: ситамдин хастадурмен.

Деди қушлар: надин сен зору мажрух?

¹² Алишер Навоий “Мукаммал асарлар тўплами” 6 жилд. Тошкент 1993 йил. 405 бет

Деди Булбул: магар ман жисми берух.

Биз бу фаслни ёзишда Салоҳийнинг улуғ устоз Навоийнинг изидан борганлигини гувоҳи бўламиз. Юқоридаги мисралар бунинг яққол намунасидир.

II БОБ

“Гул ва Булбул” достонининг ғоявий йўналиши.

1“Гул ва Булбул” достонида халқчиллик.

Биз бу тадқиқот диссертациямизда ўзбек мумтоз адабиётидаги эпик шеърятнинг манбаи, ривожланиш йўллари ва ундаги айрим асарларда, айниқса XVIIIаср ва XIX асрнинг биринчи ярмида яратилган достонлардаги халқчиллик муаммоси тўғрисида фикр юритишни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик.

Бу даврларда яратилган эпик шеърятнинг монументал асарларида гуманизм, халқчиллик ғоялари юксак пафос билан қуйланади. Унда инсон унинг ақл – заковати, меҳнати мадҳ этилади. Инсон ҳаёти, турмуши ҳаёт жараёнининг лавҳалари халқ манфаатлари нуқтаи назаридан тасвирланади. Бу эса бадий асарнинг халқчилигини кўрсатади.

Халқчиллик тушунчаси даврлар ўтиши, адабиётнинг ривожлана бориши муносабати билан ўзгара боради, чуқур маъно касб этади. Халқчиллик халқларнинг муҳим белгиларини, асосий миллий хусусиятларини, ўзига хос характерини маънавий қиёфасини акс эттириш билан бирга, унинг фикрлаш, ҳис қилиш фазилатларини, расм – русумларини, орзу – умидларини гавдалантиради.

Бу фикрлар санъатнинг, адабиётнинг халқчилиги асосида унинг халқ билан чамбарчас боғланган бирлиги ётганлигини кўрсатади.

Ўзбек адабиётшунослигида филология фанлари докторлари В. Зоҳидов, Иззат Султон, Абдуқодир Ҳайитметов, Э. Рустамов Навоий ижодининг турли масалалари юзасидан фикр юритганларида ундаги халқчиллик тўғрисида ўй мулоҳазаларини билдирдилар.¹³

Халқчил асарда санъаткор умумхалқ аҳамиятга эга бўлган масалаларни кўтариб чиқади. У ўз тимсолларини халқ оммасининг сезгиси, фикри, иродасига бориб етадиган ҳолга келтиради.

Халқчилликнинг дастлабки шarti – асарда умумхалқ аҳамиятига эга бўлган масалаларни кўтариб чиқиб, уни ҳаққоний ёритиб ҳал этишдир.

Салоҳий достонининг бошланишида қуйидаги сатрлани ёзган эди:

Бу сўз эди надон осмони

Ки “Назм эт Булбули Гулдостони”.

Бўлиб маъшуқи ошиқ Булбули Гул,

Баён айлай ки ишқи Булбули Гул.

Эшитгил достони Булбули Гул.

¹³ В. Зоҳидов “Улуғ шоир ижодининг қалби” Тошкент. “Ўзбекистон” 1970. И Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти 1969 йил. А Ҳайитметов “Навоийнинг ижодий методи масалалари” Тошкент “ФАН” нашриёти 1963 йил.

Деяр Булбулки: “Мен махзун мискин”.

Баён айлай сизларга чархи дундин.

Фалак чархи мени саргашга қилди.

Нигоримдан хануз ошуфта қилди.

Дамодам қон оқади кўзларимдан

Вафосиз дилраблар фурқатийдан

- деб ёзар экан шоир Салоҳий замонасининг дардидан кўзларидан қон оқиб турган халқни “Вафосиз дилраблар” дейиш билан XVIасрнинг охири XVIIаср иккинчи ярмидаги бўлган халқнинг оғир аҳволини, вафосиз дунёнинг кароматини ошиқни маъшуқадан, отани боладан, аёлни оиласидан айриб ташлайдиган замоннинг фурқатийдан, айрилиқдан жафо кўрган халқнинг оху фиғонининг қай аҳволда кечганлигини тасвирлаб беради бу сатрларда.

Ҳар бир қалам соҳиби ўз давридаги муҳим масалаларини кенг, атрофлича ва чуқур ёрита билса, тўғри баҳолай олса, ҳақиқатан буюк ёзувчи сифатида улуғланади. Лекин ёзувчи асар муаммосини реакцион дунёқарашдан келиб чиқиб баҳоласа, унда у халққа зарарли бўлиб чиқади. Шунинг учун санъаткор ёзувчи қўйилган масалани халқ манфаатидан келиб чиқиб ёритиши зарур. Бу халқчилликнинг иккинчи энг муҳим шартидир. Ёзувчи ўз асарида қўйилган масалага халқ манфаати нуқтаи назаридан ёндашса, унинг тўплаган материаллари ғоят бой, образлари мазмунли ва ишонарли бўлиб чиқади. Бадий асарда қўйилган масалалар халқ манфаати нуқтаи назардан ёритилган ва ҳал қилинган бўлса, улар халқ ҳаётини яхшилаш учун ёрдам беради. Халқчилик—чин санъатнинг манбаи, унинг ривож ва мақсаднинг бошланғич нуқтасидир.

Шоир Салоҳий ўзининг “Тул ва Булбул” достонида халқнинг дарду — аламларини хасрат ва надоматларини, қайғу ва ғам ташвишларини Булбул тилидан шундай ёзади:

Фироқинг билан эй гул куйди бу жон.

Нечук ҳол эди бўлдим зор, ҳайрон.

Ҳамиша иштиёқинг шуури била.

Кўнгилда сабр йўқдир, сўзи била

Сенинг ёдинг билан шому сахарлар

Қилурман нола ва оху фиғонлар.

Кеча – кундуз сенинг ишқингда эй жон.

Ки ёшим ўрнига доим оқар қон.

Сенинг ҳажринг билан мендан чиқар жон

Кўрибон наҳотки бергай эдим жон.

Халқчиллик бадиийлик билан чамбарчас боғлиқ, улар бир–бирини тўлдиради ва асарда бир бутунликни ташкил этади. Халқчиллик турли даврларда турли хилда кўриниши ва амалга оширилиши мумкин. Биз юқоридаги фикрлар асосида XVIIаср охири ва XVIIIаср иккинчи ярмидаги адабиётимизда мавжуд бўлган эпик шеърятнинг ривожланиши ва унга халқчиллик тенденциясини ўрганамиз ва шу ҳақда фикр юритамиз. Чунки бу даврда яратилган ва халқнинг орзу – истакларини, унинг эстетик диди, қарашларини акс эттирган асарлар халқимиз томонидан севилиб ўқилади.

“Тул ва Булбул” достонида Салоҳий инсон кечинмалари, орзу – умидлари, интилишларини, инсон ҳаётидаги воқеаларни турмуш тажрибалари билан яқин ва алоқадор қилиб ифодалайди ва дostonдаги оммага, халққа тушунарли қилади. Асарда инсон муаммоси умумхалқ аҳамиятга эга бўлган асосий муаммо бўлиб, озодлик учун интилувчи халқ оммасининг манфаатлари билан бевосита боғлангандир.

Халқчиллик ёзувчининг фақат умум идеологик интилиши бўлибгина қолмай, балки унинг ватанга оташин садоқати, истеъдоди, маданияти, ҳаёт тажрибаси, эстетик идеалларнинг юксак даражада ифодаланишидир. Бу эса асарнинг бадиийлиги билан боғлиқдир.

Асосий масалалардан бири бу асарда умумхалқ аҳамиятга эга бўлган муаммоларни қўйиш, уларни халқ манфаат нуқтаи назаридан ёритиш, унинг халқ оммасига тушунарли бўлишни таъминлаш. Бу эса асарнинг бадиийлигини белгилайди. Бадиийлик халқчилликдагина юксак формага эришади. Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонида халқчиллик юксак даражада намоён этилган, шунинг

учун бу асар эпик шеърятнинг гўзал намунаси бўлиб қолди. “Тул ва Булбул” достонида Салоҳий халқчилликнинг ривожлана бориш қонуниятини тарихий шароит билан боғланган ҳолда тасвирлаган. Достонда эл, меҳнат аҳлининг орзу истакларини акс эттиришга интилиш билан бирга прогрессив ғояларни ҳам тарғиб қилган, хунармандлар, деҳқонлар оммасининг айрим ҳаёт лавҳаларини тасвирлаган, халқчил ғоялар илгари сурилган.

Шоир Мулла Аъзам Шаҳёрий Салоҳий ўзи яшаб турган даврдаги феодализм тузум келтириб чиқараётган ижтимоий ҳаёт фожеаларини мажозий образлар воситаси орқали юксак типикликка асосланиб феодализм жамиятининг хунук, мудхиш афти–башарасини очиб ташлади. Мажозий бош қаҳрамон булбул орбазини мувофақиятли яратди. Қизил гул билан Булбул ўртасидаги табиий муносабат шаклини яна бир бор юқори паллага кўтарди. Уни айна замон реаликларини айнан очиб бериш, замонга бўлган норозилигини ва қаршилигини образлар асосида жонли воситага айлантирди. Асослик мажозий образ Булбулнинг ҳақиқатга, эркинликка, самимий севги муҳаббатга интилиш руҳини баланд рух билан куйлади.

Булбул дуч келган бахтсизликларнинг фоживий кўринишларини янада типиклаштириб, муҳаббатдан, ҳақиқатдан, эркинликдан сўз айтгани бўлмайдиган машъум даврга киноя қилди. Достондаги мажозий бош қаҳрамон, булбулнинг трагедияси орқали феодализмнинг афти–башарасини фош қилиб ташлади. Оқ кўнгил халқ оммасига келтирган қонлик зўравонликлардан шикоят қилди. Яна мажозий образлардан Сабо, Булбул, Қизил гулдан иборат уч образни меҳнаткаш халқнинг эркинликка, баробарликка, хур – фаровон ҳаётга интилиш ғоясининг юксак тимсолини яратди. Яна шундай мажозий образлардан Хумоюн, Товус, Тўти, Каклик, Мусича, Сўфиё, Фохтак каби кушларни юқори синфларнинг бир бутун заиф ахлоқий тизимининг вакили сифатида юқоридаги кушларнинг ўзига хос хусусиятларини моҳирона тасвирлади.

Ана шу тасвир воситалари орқали вафосиз, иккиюзламачи, маккор, хийлагар бой–боёнларни афти башарасини очиб ташлади. Феодализм жамиятида бевақт ўлимга маҳкум этилган инсонларнинг қисматини уларнинг бошига тушган “сиртмоқ” демакдир деган асосий ғояни аниқ ўртага қўя олди.

Салоҳий бу мажозий образлар орқали меҳнаткаш халқ оммасининг зулмга, адолатсизликка қарши жанг эълон қилиш иродасини ифодалади.

Шоир дostonда камбағал бечораларнинг гўзал ҳаётнинг ҳақиқий баҳорини орзу қилгани, оқил, доно, халқпарвар йўлбошчига эришишни орзу қилиб, мажозий образ Сабо орқали акс эттирди. Масаслан, Булбул ўзининг ғам – андуҳларини зорланиб сайраганида Сабо пайдо бўлиб, Булбулга йўл йўриқ кўрсатиб тарбия беради:

Бериб гулларга кўнглинг лол бўлма.

Ёмон – яхши олдида хор бўлма.

Муҳиблар орасида бир муҳиб бор.

Гадон ул қилур бўлсанг гирифгор.

Исми эрур қизил гул ул чаманда,

Сифатини қилурлар анжуманда.

Тилар у ҳам ўзига ёр доим.

Бўлинглар иковинглар ёр доим.

Содда булбул гулнинг тиконидан рашқ қилиб жўнаб қолади. Бошқа бир чаманзорга бориб, сумбулнинг шохига кўниб гул фироқида фарёд қилади. Сабо уни излаб топади, Гулнинг саломини етказди. Гулнинг тиконидан ранжиб, яхши–ёмоннинг фарқига бормай Сунбул билан ҳамои суҳбатда бўлаётган Булбулга танбех бериб уни порлоқ, тўғри йўлга бошлайди:

Салом айтди сенга у нозанин гул,

Келиб кўрсин деди саргашта Булбул,

Тутиб гул этагин қилгин навосан.

Бу янғлиг ерда бўлма мубталосан

Ёмонлар суҳбатида бўлма харгиз

Уларнинг суҳбатидир финта – ангиз.

Эшит, ножинс билан қилма суҳбат.

Етар ондин сенга кўп ранжмехнат.

Ёмонлар суҳбатидан турма қочил.

Уларнинг суҳбатидур заҳри қотил.

Шоир Салоҳий ўзининг “Гул ва Булбул” достонида халқпарварлик ғояларини илғари суриб, юқори табақадагиларнинг меҳнаткашларни қонини сўриб, ўлимга маҳкум этилаётган халқни эзгуликка, гўзалликка бошлайди. Хатто халқни қоронғуликдан, фожеалардан қутилтириш ниятида бўлган доно йўлбошчининг бўлишини орзу қилади. Шунинг учун ҳам шоир бу ғояларининг мажозий характерини Сабо орқали равшан кўрсатиб беради.

2 “Гул ва Булбул” достонидаги реал воқеаларни мажозий характерда акс эттириши.

XVI– XVIIIасрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий – иқтисодий ҳаёт бирмунча ривожлана борди. Бу даврда Шарқ мамлакатлари ҳамда Россия билан олиб борган савдо – сотиқ ишлари ривожланди. Шундай қилиб мамлакатда иқтисодий ҳаёт ривожланди. Бундай воқеа ва ҳодисалар ҳам маданий ҳаёт ҳам анчагина ўзгара борди.

Салоҳий шу даврда ижод қилди. Лекин шоир ўз қарашларини мажоз усулдан фойдаланиб илғор ғояларни, энг яхши инсоний фазилатларни тарғиб этди. Шоир персонажларнинг айрим характерларни, феъл атворларини аниқ чизиб, адолатсизликка, мағрурликка, мақтанчоқликка қарши адолат, камтарлик, соддалик, самимийлик, қаноат, саховат каби кишилиқнинг энг яхши фазилатларини тарғиб қилади.

Достоннинг сюжети мажозий бўлгани каби ундаги персонажлар ҳам мажозийдур. Унда тасвирланган қушлар ва гуллар – инсонлардир. Шоир қушлар қиёфасида ўша замондаги турли тоифадаги кишилар шахсиятини беришга интилан.

Асарнинг асосий бош қаҳрамони Булбулдир, маълумки Булбул кичик қуш бўлса ҳам, қушлар орасида ўзининг хуш овози билан кишини ўзига мафтун этади. Булбул бу достонда мажозий равишда Гулга мафтун бўлган фидойи сифатида гавдаланади. Ошуфтаҳол ошиқ ағёрдан – замондан озор, жабру жафо чеккан ғариб. Лекин у ҳақиқий муҳаббат йўлида, ёр висолига эришиш учун тинмай интилувчи, ўз дард – аламларини қуйловчи ижодкор шахсдир. Асарда Булбулнинг ҳолати,

интилиши, бошқа тимсоллар билан тўқнашуви учрашувлар, суҳбатлар, мунозаралар орқали берилади.

Булбул маъшуқаси Гулни ғоят севади, унинг фироқида кеча – кундуз ёнади, куйлайди. Ағёр – тикон дардидан жудоликка, туганмас ғам - аламларга гирифтор бўлган. У баъзан иккиланади. Гулиқаҳқаҳга ҳам кўнгил беради. Уни Гулиқаҳқаҳ ёнида кўрган Сабо Булбулни вафосизликда, беқарорликда айблайди ва бу иш Булбулга муносиб эмаслигини уқтириб насихат қилади. Булбул бунга жавобан ўзининг Гулга бўлган муҳаббатида қатъий турганини баён этади:

Чаманзор ичра кўп гулларни кўрдим,

Муҳаббатдан Гулиқаҳқаҳни суйдим...

Кулиб, ўйнаб қилурман ишқибози,

Анинг бирла манинг ишқим мажози.

Манинг ишқим қизил гулда ҳамиша.

Булбулнинг Гулиқаҳқаҳ билан муносабати мажозий, унинг ҳақиқий ишқи Гулда, у Гулиқаҳқаҳ ёнида бўлса ҳам, гулининг ёди билан яшайди. Гулни кўришга мушток, лекин ағёр жабри билан Гулдан йироқда. Ёзувчи лирик кечинмаларида Булбул тилидан ўз дунёқарашини ифодалайди.

Саргашга, шўрида ҳол, меҳнатга мубтало Булбул гирён, афгор, лекин сабру таҳаммул пеша. У оқил, доно, камтар, ҳимматли тафаккур эгаси.

Гул ёзувчининг иштиёқ билан куйлаган образидир. У вафодор маъшуқа. Булбул кетиб қолган бўлса ҳам уни интизорлик билан кутади. Булбул Гулнинг юрак ҳамдами, дардкашидир. Гул унинг кетганидан кейинги ўз ҳолини шундай ифодалайди:

Манго Булбул неча кун бўлди ҳамдам,

Висолимни қилиб дардига марҳам.

На бўлди билмадим кетти қошимдин,

Фироқи кетмади ҳаргиз бошимдин.

Соғиндим андалиби бенавони.

Топар ором кўнглум кўрсо они.

Гул ҳақиқий вафодор, ўз севганига садоқат ва ҳурмат билан яшайди, у “жаҳон раънолари”ни ҳам ўзига моил қилган хушқад, хуштабъ, латофат бобида нозанин, хушрўй, ва хушбўй, сўзлари жонга роҳат, дардга даво.

Қизил гулбошида кўр, тожи олтин,

Ясаб тожини олтин бирла гардун.

Ки бўлса ўзга гул шохи гулистон,

Бўлур эрди бошида тожи султон.

Гул ғоят камтар маҳбуб. У Булбул тасаввурида мавжудотнинг гўзаллигини мужассамлантиради. Булбул умр бўйи Гул висолига интилади ва ўзининг камолотини акс эттиради. Гул ўзининг бугун назокати билан ўз ошиқини вафодорликка, камолотга чақиради. Шоир бу тимсол орқали маъшуканинг шундай нозик дилга яқин, шавқ – завқ бағишловчи ҳаёт манбаи бўлишини орзу этади.

Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, А. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарларидан илҳомланган Салоҳийнинг мажозий персонажлари худҳуд, товус, ҳумоюн, сўфиё, тўти, кабқ, фохтак каби қушлар бўлиб, булар турли туман кишилар образидир.

Достон сюжетида шу нуқтадан бошлаб Гул образи пайдо бўлади. Мажозан бениҳоя гўзал, айна пайтда беқиёс иффат соҳибаси бўлган Гул муҳаббат тимсолидир. Гул гулшанда энг гўзал бўлишига қарамай, ўз кўркини кўз кўз қилмайди. Гул ўзи билан ўзи машғул. Тонг отиши билан беихтиёр ўзининг ғунча баргларини ёза бошлайди. Кўп ўтмай улар май билан сархуш кишилардек ўзларини ҳар томонга ташлай бошлайдилар. Сабо бу гўзаллик хабарини олиб яна боғу роғлар аро сайр этар экан, бир манзилда тўда гуллар ва уларга парвона бўлган хушхон қушларга кўзи тушади. Сабо шу ерда чаҳ – чаҳ отиб бийрон – бийрон хониш қилаётган Булбулга кўзи тушади. Сабо зийраклик билан кузатиб биладики, Булбул шу яқиндаги Гулиқаҳқаҳга майл билдириб, беихтиёр бўла бошлаган. Бу сезган Сабо Булбулга яқинлашиб, дунёда нима кўп, гул кўп – чаман кўп. Лекин “маҳрам” ва “ҳамдам” топиш жуда қийин. Бундай олийжаноб жуфт топиш учун заҳмат даштларини учиб ўтиш, вафо ва садоқат синовларига бардош бериш керак деб

айтади ва унга ўзи қўшни бир гулшанда кўриб келган Қизилгулни таъриф ва тавсиф этади.

Эрур бисёр гули раъно ва зебо,

Қизилгулдур бу гуллар ичра якто.

Яна гулларда бўлса ранг ила рўй,

Назокатга Қизилгул турфа хушбўй.

Халқда “Чаманда гул кўп бўлгани билан булбулнинг севгани қизил гулдир” деган нақл бор. Достонда худди шундай воқеа рўй беради. Булбул Сабодан Қизилгулнинг таърифини эшитар экан, унда бу гулни кўриш завқи пайдо бўлади.

Бу эпизодни яратишда Хирқатий Навоий достонидаги айтишувнинг ташқи монандлигини эмас, шу билан бирга мазмун оҳангдошлигини ҳам сақлаб қолишга, айтиш пайтда оригинал гўзал бир манзара яратишга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

Маълумки, Навоий достонида Хусравнинг биринчи саволи Фарҳоднинг ватани, маконини сўрашдан иборат бўлади: Деди “Қайдинсен, эй Мажнун гулроҳ? Фарҳод Хусравнинг бу саволига “аҳмоқ бўлмасанг шундай савол берармидинг” дегандай заҳарҳанда билан жавоб беради:

Деди: Мажнун ватандин қайда огаҳ.¹⁴

“Муҳаббатнома ва меҳнатком” достонида ҳам Сабонинг Булбулига дастлабки саволи Навоий талкинларига ҳам – оҳангдир.

Деди: Қайдин бўлурсан мурғи хушхон?

Булбулнинг жавоби ҳам Навоийчадир.

Деди Булбул маконим эрмас аён.

Қуйидаги муқояси ҳам ҳар икки асар ўртасидаги яқинликни кўрсатувчи муҳим далиллардир.

Навоийда:

¹⁴ Алишер Навоий. “Мукамал асарлар тўплами” 7- жилд “Фарҳод ва Ширин” Тошкент 1991 йил.

Дедиким, ишқ ўтидин де фасона,

Деди: куймай киши топмас нишона¹⁵

Хирқатийда:

Деди: Шархайлагил ҳолинг хароби,

Деди: Ишқ ўтидин бағрим кабоби.

Навоийда:

Деди: Бу ишқдин инкор қилғил,

Деди: Бу сўзни истиғфор қилғил.

Хирқатийда:

Деди: Бу ишқ ўтун жондин ўчиргил,

Деди: Бу сўзни кўнгулдин кўчиргил.

Навоийда:

Деди: Қай чоғдин ўлдинг ишқ аро маст,

Деди: Рух эрмас эрди танга пайваст.

Хирқатий:

Деди: Шарҳ эт май паймонасидин,

Деди: ичтим азал майхонасидин.

Бу лавҳалардаги фарқ шундаки, агар Навоийнинг достонида бир – бири билан ҳар томонлама муҳолифатда бўлган кучлар тўқнашса, улар от устида турган қиличбозлардек бир – бирларига сира ён бермай сўз тиғи билан ҳамлада давом этсалар, Хирқатий достонида Сабо савол – жавоб асносида Булбулнинг сирғу асроридан яқиндан боғабар бўлади. Шунга кўра улар ўртасидаги савол жавоблар ҳам кўпинча назокатли сўзлар билан давом қилади. Масалан, Сабонинг:

Не важхдин айларсан афғон, - деган сўроғига Булбул:

¹⁵ Алишер Навоий. “Мукамал асарлар тўплами” 7- жилд “Фарход ва Ширин” 323 бет

Бир гул учун бағрим менинг қон,- деб жавоб беради.

Сабо Булбулга қарата:

Эй қуш манга васфинг баён эт, - деб берган сўроғига Булбул:

Чехримни кўр, сиррим аён эт. – деб халқнинг “ранг кўр, хол сўр” иборасига ишора қилади.

Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достони ҳақида илмий таҳлил олиб борганимизда XVII аср шоири Нишотийнинг “Хусну Дил” достони ҳам мажозий характерда бўлиб унда келтирилган масалаларни янада чуқурлаштириб беришга ҳаракат қилади. Нишотийнинг “Хусну Дил” достонида “Шаҳбоз ва Булбул”, “Тул ва Даф”, “Най ва Шамшод”, “Қосан Чин ва Наргис”, “Бинафша ва Чанг” каби масалалар ҳам келтирилган бўлиб, улар достоннинг узвий қисмини ташкил этади. Шу билан бирга, бу масалалар, достондаги воқеалардан қатъи назар, мустақил асарлар сифатида ҳам кўзга ташланиб турадики, уларни кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир.

Нишотийнинг “Шаҳбоз ва Булбул” достонида шундай ёзади: Кунларнинг бирида, баҳор айёмида, Булбул билан Шаҳбоз мунозара бошлабди. Булбул келишган ҳусни ва хушхонлигини пеш қилиб, Шаҳбозга мақтанибди, унинг “жаҳл асар” лиги, “бадҷамол” ва “бадмақол” лигидан кулибди:

Бир чамане саҳнида фасли баҳор,

Боз ила Булбул эдилар сўз гувор.

Бозга Булбул деди, эй жаҳласар,

Санда қани савту наводин хабар?

Қушлар аро сан каби бир бадмақол.

Мумкин эмас бўлмоғи, эй баджамол.

Манман ўшул Булбулни гўёхваш,

Нағман эрур эл аро довудваш.

Булбулнинг танқидидан, “Савту наво” дан хабардор бўлиш, ширин сўзли бўлиш керак, деган хулоса чиқадики, бу тарбиявий аҳамиятга эгадир. Лекин Булбулнинг ҳам камчиликларидан кўз юммаслик керак. Масалан, у Шаҳбозни танқид қилар экан, ўз фазилатларидан мағрурланади, “манман”ликка берилади. Гарчи Булбулнинг сўзлари Шаҳбозга оғир ботса ҳам, у Булбулга шоир тилидан, “иззат тиласанг, бекордан бекорга вайсама, юз иш қилганингда, бирини айт, худбинларнинг иқболи паст бўлади”, деб ғоят оқилона жавоб қайтаради:

Боз деди онга, ки: хомуш бўл,

Бўлма тил иззат тиласанг гўш бўл.

Англа яқинки, мангадур ёзу киш,

Юзни қилиб бирни демаслик равиш.

Ҳар киши худбин эсаю худпараст,

Сен киби иқболи нетонг бўлса паст.

Манзили мақсад тиласанг сода бўл.

Жода киби сар – басар афтода бўл.

Ҳар киши худбину аъмо эрур,

Чунки кўзи хокаро маъво эрур...

“Шаҳбоз ва Булбул” масали ҳеч нарсани писанд қилмай, Хусн устига қўшни тортиб бораётган Ақлшоҳнинг мағрурлигини фош этиш учун келтирилган.

“Тул ва Даф” достони персонажларидан Меҳри диловар тўй катнашчиларини “Тулзори баҳор”га таклиф қилар экан:

Ҳар не ки, ул базмға даркор эди,

Ғайри талаб барчаси тайёр эди –

деб, у ерда илм эли шеър билан бадеҳа айтаётганини, нуктадонлар маънолар денгизида сузаётганини, соз аҳли нағмалар куйлаётганини баён этади. Шу пайт Гулга кўзи тушиб қолган Даф (чилдирма) унга қараб:

Гарчи қадим ғам юкидин дол эрур,

Шакл манго аҳсанул ашкол эрур...

дейди.

Гул унга шундай жавоб қайтаради:

Гарчи сени қўлга қўтарди гадо,

Бўлди наво истабон ул бенаво.

Лек мени боши ўза шоҳлар

Қўйдилар ул моҳи фалакжоҳлар...

Кўрамизки, бу масалда Дафни қўлга олиб, наво истовчиларнинг бенаво бўлиб қолганлигига, бинобарин, шоир яшаб ижод этган даврда санъат аҳлларининг камол топиши учун ҳеч қандай шароит бўлмаганлигида ишора қилинади.

“Най ва Шамшод”. Шу тўйда Шамшод дарахтнинг савлат билан гердайиб туришини кўрган Най гапга аралашиб: Сен хавойи, худбин ва мағрурсан. Оёқларинг лой ичида бўлса ҳам, аммо димоғинг кўкка кўтарилган. Баҳор кела берса, ғурурланиб, янада баландроқ кўтариласан. Аммо шуни ҳам билиб қўйки, хазон ели бир кун сени хароб қилиб қўяди, - дейди:

Отингни Шамшод этибон шоҳсан,

Нахли баруманди ерга банд...

Аслинг эрур банди балойи ҳаво,

Сен киби йўқ даҳр аро бир худнамо.

Лой ародур банд оёғинг сенинг,

Баски етар кўкка димоғинг сенинг.

Фахри баҳор ила кўп ўлма баланд.

Боди хазон қилғуси бин кун нажанд.

Шундан кейин Най ўз шакли ва сифатлари ҳақида гапириб, бундай дейди:

Манман ўшал тўтин шаккар насиб,

Бандам эрур нола чоғи андалиб,

Меҳр киби ич била тошим ёруғ,

Чарх киби кўз била кўнглум очуқ.

Дуди дамим шўъладур ул бод эмас,

Пеша манго беҳуда фарёд эмас.

Шамшод эса уни “икки бошли ўлик илон”га ўхшатади ва ўз соясини мақтаб, ундан шоҳу гадо (яъни ҳамма) баҳраманд бўлишини айтади:

Этсанг ҳақиқатда ўзингга назар,

Зотинг эрур мурдаи мори дусар,

Соя манго ўйла саодат шиор,

Кўйса хумо бўлғусидир тождор.

Манман ўшал соҳиби баргу наво,

Мандин олур баҳрани шоҳу гадо.

Демак, Нишотий Най ва Шамшоднинг фойдали томонларини қайд этиб, уларнинг мақтанчоқликларини қоралайди ва бир – бирини писанд қилмаслик жамиятда ёмон иш эканлигини уқтириб ўтади. Шоир, бировларни назар – писанд қилмай, димоғини кўтариб юрувчилар бир кун хазон ели билан яксон бўлурлар, деб “қиссадан ҳисса” чиқаради. Шоир ички дунёси ҳам, ташқи кўриниши ҳам “меҳр киби” (куёш сингари) ёруғ кишиларни улуғлайди.

“Косаи Чин ва Наргис”. Ғамзанинг “Равзаи жаннатобод”идаги суҳбатда Коса билан Наргис мунозараси берилади. Суҳбатда қўлдан –қўлга ўтиб юрган Косанинг кўзи ҳеч кимни писанд қилмай гердайиб ўтирган Наргисга тушади:

Косаи Чин Наргиса солди назар,

Дидаи маълул ила ул бевасар,

Бори такаббурдин эди саргарон,

Илмас эди кўзига яхши – ёмон.

Шунда Коса Наргисга қараб:

Кўр кўзинг бирла недур бу ғурур?

Иллоти суғро била не бу сурур?

Сен киби йўқ даҳр аро бир бевасар,

Юзингда йўқ нақши ҳаёдин асар.

Ҳар киши ўз рутбасида хуб эрур,

Ҳарнима ўз ҳаддида марғуб эрур.

Шому сахарлар тилабон симу зар,

Кўз санго кўр ўлди, қулоқ доғи қар —

дейди ва ўз нақшу нигорини таърифлайди:

Ҳар неки бор даҳр аро, нақшу нигор,

Боқ бу тарафжим, манғо юз онча бор.

Наргис эса унинг сўзларига шундай жавоб қайтарди:

Жонинг эрур хайр тамаъ ғор — тан,

Қайда таом ўлса очарсан даҳан.

Бошинга гар бўлмаса мунча нифоқ,

Демас эдилар отингни эл аёқ.

Сурат эли нақшга мағрур эрур,

Маъни эли нақшдин уш дур эрур.

Кимки қилур дидаи жонон савод,

Нисбати зотим анго бордур мурод.

Бу масалда Нишотий Коса ва Наргис образлари орқали жамиятдаги “Нақши ҳаёдин асар”и бўлмаган нодонларга, кеча–кундуз фикру ҳаёли “симу зар” (кумуш, олтин) тўплаш билан банд бўлган “сурат эли”га таъна қилиб, “маъни эли”га хайрихоҳлик билдиради.

Бинафша ва Чанг: Гесу тўй қатнашчиларини ўз бинафшазорига олиб чиқади. Бинафша тўшалган бу жойда кишилар ҳам бинафша либосида намоён бўладилар. Ҳамма маст бўлиб, йиқилиб қолганида, қор кийимли, бошини қуйи солиб ўтирган Бинафша улар ўртасида шайхга ўхшаб кўринади:

Боши қуйи эрди, либоси қаро,

Шайх эди бу расм ила ул эл аро.

Бинафшани бу аҳволда кўрган Чанг унга қараб:

Фикр санго тийра либосинг қаро,

Хона санго тору палосинг қаро.

Пеша санго бўлди сияҳкорлиқ,

Дин йўлидин иш санго безорлиқ.

Лойиқ эмас бўлмоғинг ушшук аро,

Ваҳ на дедим бал бу куҳан тоқ аро –

деб ўзини мактайди:

Кўр мани ким, фойиқи офоқ ман,

Сарвари сардафтари ушшоқ ман.

Бинафша эса унга жавобан:

Мажлис аро сен киби ғамгин қани?

Маҳфили зотинг аро тамкин қани?

Тайи мақомот ила кўп урма дам,

Кўз санга кўр ўлди дағи шал кадам.

Каж бўйину, кал бошу бадмўйсан,

Эгри кўлу, ҳам қаду бадхўй сан.

Ишқ сўзи бирла кўп этма ғулўъ,

Лойиқ эмастур санго бу гуфтуғў...

дейди ва у ҳам ўзини макташга киришади:

Бил мани аттори гулистони ишқ,

Мандин олур бўйни гулистони ишқ.

Гулнинг эрур ранги била бағри сув,

Мандин эрур ер била кўк мушқбў.

Билдим ани даҳр вафосиз эмиш,

Умр деган усру бақосиз эмиш.

Онинг учун бўлди либосим қаро,

Ўлдуму ҳам тутдим ўзумга азо.

Ушбу ўлимдурки, муаббад ҳаёт,

Дерлар ани йўктурур онга мамот.

Бу сўзлар Чангни ҳазин бир ҳолатга солади:

Чангни ҳазин этди бу оҳангни гўш,

Бош қуйи солдию бўлди хамхўш.

Бу масалда ҳам шоир Бинафша ва Чанг сингари аллегорик образлар орқали ўз замонасининг ножўя хатти–ҳаракатлари устидан кулади, “Дин йўлидин иш санго безорлиқ” каби мисралар билан мутаассибларнинг безорлигини очиб ташлайди.

Юқорида кўрсатилган мисоллар орқали биз мумтоз адабиётнинг қадимийлиги, унинг илдизларининг жуда мустаҳкам эканлигини, олис ўтмишда ўтган даҳо ижодкорларнинг анъаналарини давом эттириб ҳар бир даврдаги сиёсий, ижтимоий тузумнинг моҳиятидан келиб чиқиб ижодкорларнинг онг ва тафаккури, жамиятга, табиатга ва инсониятга бўлган муносабатларининг натижалари сифатида, бу мумтоз адабиёт истиқлол давригача етиб келди. Биз юқорида мисол қилиб олган Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ–ут-тайр” ва ундан илхомланиб XV асрда А. Навоий томонидан ёзилган “Лисон–ут-тайр” ва XVII асрда шоир Хирқатий томонидан яратилган “Муҳаббатнома ва меҳнатком” достонлари мажозий характерда бўлиб, замонасига нисбатан айтмоқчи бўлган фикр ва мулоҳазаларини, фалсафий қарашларини қушлар, ҳайвонлар орқали ифодалаб берган эди. XVII асрнинг охири XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Салоҳий ҳам

Ўзининг “Тул ва Булбул” достонида кушлар орқали феодализм жамиятининг кирдикорликларини, меҳнаткашлар бошига солган жабру жафосини, хийлагар шайх ва зоҳидларнинг, мулларнинг иккиюзламачи, алдоқчи эканлигини риёкор, ёлғончи савдогарларнинг фойда олиш йўлида қилган найранглари фаш этилади.

ШҲОБ

“Тул ва Булбул” достонида тимсоллар силсиласи.

1. “Тул ва Булбул” достонида мажозий образларнинг ўзига хос хусусиятлари.

“Тул ва Булбул” мураккаб бир фалсафий дoston бўлиб, унда Салоҳий мажозий образлар ва уларнинг рамзли саргузаштлари орқали объектив борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларини баён этади, шу билан бирга у реал ҳаёт лавҳаларини, кишиларнинг хатти-ҳаракати ҳамда феъл-атворидаги ижобий ва салбий хусусиятларини тасвирлайди.

“Тул ва Булбул” XVIII аср фалсафий қарашлари тараққиётида маълум даражада ижобий ўрин тутган асар бўлиши билан бирга, ўзбек мумтоз адабиёти ва ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорликларидан биридир. Салоҳий жуда мураккаб бир тарихий шароитда, ўша шароитнинг хилма-хил зиддиятлари билан бирга яшади. Инсоннинг бахт-саодати учун курашди, табиат ва жамият ҳодисалари ҳақидаги фикр-қарашларида у баъзан даврнинг тор тарихий чегараларини ёриб ўтиб, баъзан эса даврнинг муаммолари олдида ожиз қолади. Салоҳий ислом динини эътироф этади ва унга суянади.

Салоҳий “Тул ва Булбул” достонида инсонни шарафлаб, уни Аллоҳ ҳамма мавжудотдан, хатто фаришталардан ҳам юкори қўйгани, инсон муҳаббатини эса энг яхши фазилят эканини, шу фазилятга эга бўлгани учун инсон ҳамма нарсадан

улуғ деб, таъриф этади. Шу билан бирга, Салоҳий устоз Алишер Навоий каби ҳаётни севиш, кадрлаш, ҳаёт неъматларидан имкони борича фойдаланишни тавсия этади. Салоҳийнинг илгари сурган бу ғояси ўз замонидаги илғор фикрларни ўзида акс эттиради.

Салоҳий ўз қарашларини очиқ–ойдин баён этолмас эди. Бинобарин, у мажоз усулидан рамзлардан фойдаланади, достоннинг сюжети ҳам, унинг персонажларини ҳам шу асосда яратади. Достонда тасвирланган қушлар ва гуллар–кишилардир. Шоир қушлар қиёфасида ўша замондаги турли тоифадаги кишилар тилини беришга интилан.

Достоннинг асосий персонажи Булбулдир. Маълумки, булбул кичик қуш бўлса ҳам, қушлар орасида ўзининг хуш овози билан кишини ўзига мафтун этади. Булбул бу достонда мажозий равишда Гулга мафтун бўлган фидойи сифатида гавдаланади. У ошуфтаҳол ошиқ ағёрдан–замондан озор, жабру жафо чеккан ғариб. Лекин у ҳақиқий муҳаббат йўлида, ёр висолига эришиш учун тинмай интилувчи, ўз дард–аламларини қуйловчи ижодкор шахсдир. Асарда Булбулнинг ҳолати, интилиши, бошқа персонажлар билан тўқнашуви учрашувлар, суҳбатлар, мунозаралар орқали берилади. Достоннинг мажозий персонажлари Худхуд, Товус, Ҳумоюн, Сўфиё, Тўти, Кабқ, Фохтақ каби қушлар бўлиб, булар турли туман кишилар образидир. Бу қушлар–одамлар турли сифатларга эга бўлиб, жамиятнинг талай тоифадаги кишиларини мужассамлантиради. Ана шундай қуш – персонажлардан бири Ҳумоюндур. Маълумки Ҳумоюн тўғрисида турли афсоналар, эртаклар мавжуд. Афсоналарга кўра Ҳумоюн ноёб, оз учрайдиган қуш бўлиб, унинг сояси кимнинг бошига тушса, у одам подшо бўлар эмиш. Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонида эса Ҳумоюн подшо. У жамиятда кишиларни баланд даражага кўтара олувчи қудратга эга. У нима деса ўша бўлади. Булбул Ҳумоюннинг “қаноат қилаётиман” деса ҳам, баднафс, золимлиги, хатто меҳнаткаш халқнинг қуриб–қақшаб кетган суягини кемираётганини фош қилиб ташлайди. Уни ҳимматсизликда, паст табиатликда, ўта кетган золимликда айблайди:

Эшитти Булбулу, бўлди дигаргун,

Деди: Сен подшо, тонгла гадо сен.

Неча шонингга сен бўлма мағрур,

Тегар шонингдин элга ҳам шару шўр.

Ғажирсан ит каби эски сўнгакни,

Жароҳат айлабон жону юракни...

Йўқ эрмиш ҳимматинг, сен паст табиат.

Шоир Ҳумоюн образи орқали ўз замонидаги золим, ҳукмроннинг феъли–атворини яққол кўрсатиб беради. Булбулнинг Ҳумоюн ҳақидаги чуқур мулоҳазаси шоир яшаган даврда одл, шафқат йўқлигини билдиради. У ўз шаъни–шавқатига мағрур бўлган хонлар, беклар, халқнинг қонини сўриб, унинг мол–мулкини аёвсиз талаб, юракни қанча жароҳатламасин барибир ахир бир кун жазога тортилажагини уқтиради. Булбул Ҳумоюнга шундай хитоб қилади:

Ҳазар қил, борма нафсинг хоҳишига,

Қаноат шамширни чопғил бошига.

Товуш қушлар орасида ўзининг гўзаллиги, олтин каби жилоланиши билан ажралиб туради. Достонда товус бойлик тўплаган, зеб–зийнатга берилган бой сифатида тасвирланади. Унинг кийиниши, юриш–туриши ҳеч кимда йўқ. У салтанат эгаси, мақтанчоқлик билан ўзини бошқалардан юқори тутади. У илтифот қилса бошқалар ҳам зеб – зийнатга эга бўлиши мумкин:

Боқибон кўзлар ифшо шахпаримни

Қисарлар тожиға олтин паримни.

Унинг илтифот қилган нарсаси бошқалар учун тожу салтанат бўлади. Бу ҳол унинг меҳнатсиз, текинхўрлик билан яшаганини кўрсатади. У хайр–саховатдан йироқ. Фақат ўзини билади, манманлик қилади. Булбул уни манманлик қилмасликка, ўз манфаатинигина ўйламасликка, камтарликка кишиларга саховат қилишга чақиради.

Деди Булбул: Аё Товус чархи,

Синар бу шахлиғинг бир кунда тархи.

Либосға бўлмағил мағрур чандон,

Кийиб эгнига фахр этгувчи нодон.

Либосингдур неча зебоу чандон.

Фалак қилғувсидир ер бирла яксон.

Булбулнинг қарашича, бу либослар, зарбор тўну кийимлар орият ва охири хорликдир. У инсоний сифатлар олдида сарик чақага ҳам арзимаиди. Шунинг учун ҳақғўй Булбул Товусга мардликни, саховатликни тавсия этади.

Қилиб ҳиммат, саховат қил, саховат.

Саховатлик кишидур фард, дил мард.

Тўти сўзга ўргатиладиган ақлли қуш. У инсон тилини билгач, ўзича мулоҳаза юритади, саволга жавоб бера олади. Достонда Тўти зийрак, ринд табиат, барча сирларини билувчи, ширин алфоз, ҳатто ўликни тирилтурувчи табиб, дурлар сотувчи доно. Лекин у мақтанчоқ, худбин сифатида тасвирланади. Ҳақиқатан, бундай кишилар жамиятда мақтанчоқлик билан бошқаларни назарга илмайди. Булбул эса Тўтининг бундай худписандлигини қоралайди. Тўти мени ҳамма хурмат қилади, менга шох, шаҳзодалар ҳам қул, емишим қанд – шакар, кийимларим зеб зийнатли деб ўзини мақтаб, кўкларга кўтаради:

Такаллум ичра исодин суҳанвар,

Тилимдин сочилур дур бирла гавҳар.

Ҳузурим топса ҳар беақл жоҳил,

Бўлур ҳар лаҳзада доною оқил.

Булбул Тўтини танқид қилиб, агар камтар, оқил бўлганингда бу қадар мақтанмас эдинг. Бу доноларга ярашмайди, деб шундай хулосага келади:

Ажойиб худписанду худнамосан,

Эмасдур соф кўнглинг бе сафосан.

Кишининг ақли бўлса лоф урмас,

Қилич бошига келса ёлғон аймас.

Кабк (каклик) достонда ўзига бино қўйган, хушовоз ҳофиз, беғам киши киёфасида гавдалантиради. Каклик ўзини жуда эркин сезиб юради, баъзан қаҳқаҳ уриб кулади. Гўё водийлар, боғ–чаманлар ҳаммаси унга қарайди. Унинг емиши қанд шакар, ундан бошқа қушлар юқорига чиқиб ўлтиролмайди. Достонда каклик

мол-дунё тўплаган, жуда мақтанчоқ кишидир. Шоир бу персонажга ҳам Булбул тилидан баҳо беради. У ёлғончи, каззоф, нафс тузоғига илинган кимсадир. Булбул Какликнинг ярамас кирдикорликларини фош қилиб, шундай дейди:

Деди Булбул: Аё кабки қизил кўз....

Тушиб нафсинг учун банди тузоққа.

Юриб ерда учолмайсан узоққа....

Ки ман паҳлавон деб урмагил лоф.

Чин эрмастур сўзинг ёлғончи каззоф.

Достонда Қумри образида риёкор шахс тасвирланади. У ўзини шайхи замон, муҳаббатдан кўнгли мунаввар, пирикомил, дунё сирларини билувчи, порсо сифатида кўрсатиб шундай дейди:

Бу водий ичра ман шайхи замона,

Худо кўнглимдадур зикри замона ...

Уйимга йиғмодим дунё молини...

Ҳидоят айлагувчи раҳнамоман,

Қилибон зуҳду тақвий порсоман.

Ҳақиқат тахтида муршиди комил,

Каромату мақомат ичра омил!

Бу билан шайх ўзининг нодон, жохил кишиларни алдовчи “мол дунё йиғмадим” деса ҳам мол–дунёга ҳирс қўйганлигини фош этади.

Салоҳийнинг шайх, руҳонийлар кирдикорларини мажозий равишда фош этиши тасодифий эмас эди. XVIII асрда реакцион диний – мистик қарашларининг авж олиб бориши, кенг меҳнаткашлар оммасининг зулм сиртлиғида жабрланиши шоир асарида акс этади. Достон муаллифи буюк устоз Навоийнинг “Лисон-ут-тайр” фалсафий достонида ёритилган қарашларидан илҳомланиб, мажозий персонажлар орқали ўз замонидаги воқеликни, руҳоний, шайхларнинг кирдикорларини фош этишга журъат қилади. Шоир дин–шариатни эътироф этади, унинг дин ва тасаввуфнинг синфий моҳиятини англаб ололмаслиги табиий эди.

Салоҳий достонининг бу қисмида жоҳил шариат пешволари, халқ эксплуатация қилиб уларни таловчи, нодонлик, жаҳолат гирдобига судровчи шайхлар, руҳонийлар устидан кулади, уларнинг қилмишини, феъл–атворини, ташқи ва ички қиёфасини очиб ташлайди:

Сенинг доим ишингдир “доим тазвир”,

Қилибдурсан ўзингни муршиди пир.

Тарошлайсан ўзингни шайх дарвиш

Гирифта айламак элни сенга иш.

Шоир ижодида шайхлик–зоҳидлик билан халқни алдашни одат қилиб олган хонақоҳ аҳлининг танқид қилиниши катта жасорат эди. Бу сатрлар мажозий бўлса–да, руҳонийларга қарши ғазаб ва нафрат ҳисларини туғдирар эди.

Достоннинг Фохтак (Қашғар ғуррак) Сўфиё (Сўфи тўрғай), Худхуд (Попишак) каби персонажлари ҳам шоир яшаган замондаги кишиларнинг, турли типидagi тоифаларнинг образларидир. Фохтак ўзининг айтишича севгувчи, муҳаббатда фидойи ошиқ, у шому сахар ох–фиғон қилади. Булбул уни ҳам беҳуда ошиқ, лоф урувчи, ҳар хил ҳавасларга берилувчи, енгил табиат деб айтади:

Солибсан бўйнингга тавқи такаббур,

Олиб бўйнингдин тавқингни синдур!

Муҳаббат тавқи эрмасдур бу тавқинг,

Эмасдур чин ёлғон ишқи шавқинг.

Сўфиё ҳам хушовоз, риёзат чекувчи зоҳид доимо тоат–ибодат қилади, худо ёди билан яшайди. Сўфи барча кишилардан ўзини азиз, табаррук ҳисоблайди, ўзгалардан ўзини тавоф қилишни ва ундан сабоқ олишни тавсия этади:

Кийиб эгнимга ман барги хазондин,

Хазондек сарғориб боз заъфарондин.

Риёзатдан бўлибдурман бу янглиғ.

Бу водий сўфисимон сопсориғ...

У сўфиликни давом қилиб, бошқаларни чалғитади, алдайди. Булбул бундай ёлғончи, одамларни чалғитувчиларни фош қилиб тўғри гапиришга, алдамасликка, маърифатли бўлишга чақиради:

Сўфи улдурки бўлса ботини пок,

Кўнглида шуъла урса нури идрок.

Сўфи ман деб қилиб элни фирифга

Ишинг доим санингки макру хийла.

Шоир бу сатрлар билан ўша замондаги дин аҳллари бўлмиш сўфийларнинг башарасини, халқни алдовчи хийлагар, айёрлигини фош этиб ташлайди.

Охирги қуш–Худхуд зуҳд, такво сотувчи, тасбеҳ ўгириб ўтирувчи худбинларнинг типик вакили қиёфасида намоён бўлади. Попишакнинг бошидаги тожи унинг барча қушлар подшолигига гувоҳлик берар эмиш. Гўё у учар қушлар пешвоси, шариатда комил қушларнинг имоми, раҳнамоси.

Попишак ҳам Қумри, Сўфи тўрғай каби алдоқчи, риёкор руҳонийлардан. Бошида тожу эгнида зарли кийимлар. Халқ кўзида тоат ибодат билан шуғулланади, аммо манманлик билан ўзига оро беради, ўзини бошқалардан юқори қўяди. Ёзувчи тилга олган бу қушлар кишилар ҳаммаси дин–шариат аҳллари бўлиб ўзларининг тоат – ибодатлари билан мақтанадилар, халқ манфаатини кўзлаш ўрнига риёкорлигини фош этиб шундай дейди:

Намозга қилма, Худхуд эътимоди.

Аё худхуди зоҳид худнамосен.

Ки худбинлик қилиб зоҳид намосен...

Булбул водийдаги саккиз қуш билан учрашиб, ҳаммасининг сиридан огоҳ бўлади, ҳар бирининг қандай яшаётганини, нима билан нафас олаётганини билади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга, феъли авторга, машғулотга эга. Булбул улар орасидан ўзига ўхшаш ҳақўй мунис топа олмайди. Булбул улардан ажралиб, Сабо йўлбошчилигида Гул сари парвоз этади. Сабо Булбулни яхшиликка бошловчи, ишқда вафо, садоқатни ўргатувчи доно раҳбар, ғамхўр мураббий

сифатида гавдаланади. У жаҳонгашга, дунёнинг аччиқ – чучугина тотиган, яхши – ёмонни ажратган тажрибадор кишидир:

Деди Гулга: кезиб келдим жаҳонни,

Танудим дунёда яхши – ёмонни.

Сабо Гулга ҳам, Булбулга ҳам меҳрибонлик қилади. Уларнинг дўстликда, аҳилликда ва яхшиликда яшашни истайди. Шунинг учун ҳам у Гулнинг сўровига мувофиқ Булбулни излаб топади, унга меҳрибонлик қилиб, халқ ибораси билан маслаҳат беради:

Ки Булбул, бўлма сен икки кўнгуллик.

Кўнгулга сиғмағай икки севуклик.

Сабо Булбулнинг дўсти, ғамхўри, яхшиликка вафо ва садоқатга бошловчи киши сифатида намоён бўлади.

Достоннинг бошидан охиригача Булбулнинг ички кечинмалари, тўқнашувлари, хижрон оловида чеккан оҳ фарёди ноласи, азоб – уқубати, Гул висолига етишиш учун бўлган интилиши, қушлар билан суҳбати, уларнинг феъл – атвори ва ўзининг қушларга берган баҳоси, Сабо билан дўстлиги, ҳамфикрлиги изчиллик билан лирик кечинмалар орқали тасвирланади.

Булбул образида биз шоирнинг ўзини тасаввур этамиз, шоир жоҳил, фанатик рухонийлар, нодон шафқатсиз хону беклар хумронлик қилиб турган қоронғи замонда яшаб, ўзини ёлғиз, ғариб, бенаво сезади. У ўз аҳволи, ички кечинмаларини дард аламларини замондан, ағёрдан жабру жафо чеккан Булбул образи орқали ифодалайди, ўша замондаги ҳукмрон синфларга, реакцион рухонийларга бўлган нафратини, нозик, мажозий йўллар билан баён этади. Зотан, реакцион дин арбоблари, шайх эшонлар катта мавкега эга бўлиб турган пайтда меҳнаткаш халқнинг уларга бўлган нафратини очиқ айтиш мумкин эмас эди. Рухонийларнинг мунофиқлик, алдоқчилик каби кирдикорларини ўз кўзи билан кўрган шоир уларнинг қилмишларини мажозий образлар орқали ифодалайди. У ўз асарида риёкорлик, худбинликни қоралайди, бойлик, мол дунё тўплашга хирс қўйган кишиларнинг инсоний хислатлардан маҳрум эканлигини айтади, феодал зулмнинг ҳаддан ошганлиги, хон–беклар орасидаги ўзаро жанжал, қурашлар меҳнаткаш

халқнинг бошига чексиз фалокат келтирганлиги усталик билан ифодаланади. Шоир ўзининг бойлиги билан мақтанган ҳукмдорга қарата:

Ғажирсан ит каби эски сўнгакни

Жароҳат айлабон жону юракни,

деб хитоб қилади ва ўша замондаги жоҳил кишиларга нисбатан ўз нафратини баён қилиб, ҳукмрон синфларнинг кирдикорларини фош этиб ташлайди.

Достондаги бундай мисралар муаллиф қандай даврда яшагани ва ижод этганини равшан англатади. У адолатни улуғловчи, ҳаққониятни сезувчи, халқчил киши сифатида мужассамланади. Салоҳий ўзининг бу достонида ўз замонидаги ҳукмрон синфларни танқид қилади. У мажоз усулидан, рамзлардан фойдаланиб, шу асосда сюжет, персонажлар яратади. У достонда турли дидактик фикрларни ифода қилар экан, персонажларнинг фаолияти, қараш, феъл – атвориға Булбул нуқтаи назаридан баҳо беради.

2. “Гул ва Булбул” достонининг бадиий талқини

“Гул ва Булбул” достонининг асосий воқелиги кўз олдимизда табиий ҳолда намоён бўлади. Унинг насрий баёни қуйидаги сатрларда ўз ифодасини топган.

Ранго – ранг гуллар очилган кўм – кўк чаманзор бир вақтда хилма – хил кушлар чуғурлашиб сайрашади. Жаҳонгашти бўлиб оламни сайр этиб бу чаманзорга келган Сабонинг кўзи муҳаббат шавқида ҳамма кушлардан ҳам ёқимли овозда қуйлаётган булбулга тушади. Булбулнинг ширин навосидан хузурланган Сабонинг жони севинади. Ўзи учратган фазилатли Қизил гулни булбулга таништиришни мақсад қилиб бу ҳақдаги мулоҳазаларни булбулга сўзлаб уни қоил қолдиради. Булбул қизил гулга ғойибона ошиқ бўлиб, у ҳақда ғазал айтади. Сабодан ўзини Гул васлига муяссар қилинишни ўтиниб сўрайди. Сабо Қизил гул қошига келиб, Булбулни таърифни қилади ва Гулнинг самимий муҳаббатини қозонади. Қизил гул ўз муҳаббатини шоирона ғазал билан Сабога беради ва Қизил гул Булбулни чақириб келишни талаб қилади. Бир–бирига самимий кўнгил берган икки ошиқ маъшукнинг илтимосига кўра Сабо Булбулни чақириб келиб, Гул билан

учраштиради. Бироқ “Минг шукурким ёр висолига энди еттим” деб севинган Булбулнинг дилини гулнинг новдасида турган тиконнинг зарбаси жароҳат қилади. Рашк ўтида ўртанган Булбул дардига даво излаш нияти билан кетиб қолади. Тонг сахарда Қизил гул харамига етиб келган Сабо Булбулни сўрайди. Қизил гул унинг сабабсиз кетиб қолганлигидан нола қилиб, Сабога шундай дейди:

Агар топсанг Сабо махзун қулумни

Олиб кел ҳамдам айлаб Булбулимни,

Сабо бу ахволдан сабаб топиб, Булбулни излайди. Бир чаманзорга келиб Гулнинг фирокида хасрат чекаётган Булбул билан учрашади, унга Гулнинг саломини етказади. Гулнинг тикандан озор чекканлигининг беҳуда эканлигини Булбулга тушунтиради:

Киши ёри учун кўрса жафони

Унинг ўрнига ёр этгай вафони.

Бу сўзлардан Булбулнинг кўнгли таскин топиб, Сабога эргашиб Гул висолига етиш учун узоқ сафарга отланади. Булбул қушлар маконига етиб келиб, улар билан учрашади. Ўзининг Қизил гул иштиёқида дардга гирифтор бўлганлигини изхор этади.

Такаббур қуш Хумоюн Булбулга “Бутун қушларнинг подишоҳиман”, деб таништиради. Ўзининг қаноатли эканлигидан мақтаниб: Кимнинг бошига солсам тушса ўша жаҳонга подишоҳ бўлади деб мақтанади. Буни эшитган булбул дархол: Сен мажозий оламни подишоҳисан, ҳимматсиз, пасттабиат, ифлос нарсасан деб Хумоюнни қаттиқ мазҳара қилади. Шундай қилиб Булбул саккиз қушнинг умумий сирларидан тўла хабардор бўлиб, унинг кўнгли янада қайғуга тўлади. Булбул ва вафосиз, иккиюзламачи қушлар дунёсидан айрилиб ўз йўлига равон бўлади ва Сабо билан учрашиб унга: Бу дунёда дардимга дармон бўлувчи, йўл кўрсатувчи доно фақат бир ўзингсан, қани менга тўғри йўл кўрсат деб хитоб қилади. Булбул неча кунлар йўл юриб охири Гулнинг олдига етиб келади. Қизилгул билан эндигина учрашай деганида уни “Мард жаҳони” деб аталган бир ноинсоф Булбулни кўриб, унинг овозига маст бўлиб, уни сотиб олмоқчи бўлади. Мазкур водийдаги бир диёнатсиз боғбон ҳалиги “мард жаҳони”дан олтин, пул олиб Булбулни қафасга банд қилиб унга сотади. Булбулга бутун олам қоронғу туюлади. Шундан кейингина

етиб келган Сабо Булбулни Қафас ичида кўриб, ноилож туриб қолади. Ҳаққоний севги муҳаббат йўлида фидойи Булбул қафас ичида қаттиқ бир оҳ уриб жонидан жудо бўлади. Булбулни сотиб олиб қафасга банд қилган ҳалиги аҳмоқ “мард жаҳони”:

Ки мен билсам эдим шундай ўлимни .

Неча зоя қилур эдим пулимни

деб фарёд чекади.

Достоннинг охирида шоир бутун олам аҳлига пандунасихат қилиб, достонни яқуллайди:

Кел эй ошиқ муҳаббатли кўзин оч.

Муҳаббатсиз кишидан фақат йироқ қоч.

“Тул ва Булбул” достони 44 бобдан иборат бўлиб, достонга доир бевосита боблар 34 тадир. Достон маснавий шаклида ёзилган.

“Тул ва Булбул” достони алоҳида бир жанрга мансуб достондир. Академик Б. Валихўжаев ўзининг “Ўзбек мумтоз адабиётида эпик шеърят тахиридан” деган монографиясида “Тул ва Булбул” достонини алмгорик характердаги масал достон деб айтган.

Маълумки, А. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари ўзбек мумтоз адабиётида эпик турнинг янги бир жанридаги намунаси бўлган фалсафий достондир. Навоий ўз фалсафий қарашларини мажозий образлар орқали ифодалаган. Салоҳий ҳам Навоий каби ўз дунёқараши, фикр ва мулоҳазаларини, Булбул ва Сабо образи орқали ифодалашга интилан. Бошқа қушлар орқали ўз замонидаги феодал зодагонлар, бой руҳонийларнинг дунёқарашларини тасвирлаган.

“Тул ва Булбул” достонининг сюжети ва композицияси кичик воқеани ўз ичига олган бўлса ҳам, ундаги фикрлар, мулоҳазалар, ҳаётга қараш, воқеликка муносабат, ички кечинмалар жуда чуқур Сабонинг маслаҳати ва раҳбарлиги билан Булбулнинг Гулга муҳаббат қўйиши ва у ўсган гулшанга қараб парвоз этиш саргузашти достоннинг асосий воқеасини ҳамда унинг қилинган ҳикоясини ташкил этади. Бошланишда Булбулнинг гулзорда сайраши, Сабонинг таърифи билан Гулга ошиқ бўлиб қолиши эпизоди достоннинг экспозицияси бўлса,

Булбулнинг Гулни кўриб, тўлиб сайраши, тиконнинг жабридан кетиб қолиши воқеанинг тугунидир. Булбулнинг Гуликахқахга муҳаббат қўйиши, яна Сабонинг таъриф ва маслаҳат билан Булбулнинг Гул сари учишга қарор қилиши воқеанинг ривожланишидир.

Сабо достоннинг доимий иштрокчиси. Бошқа қушлар эса достонда фақат бир марта кўринади, холос. Булбул қушлар билан бирма–бир суҳбатлашгач, ўз йўлида Гул сари Сабо билан парвоз этади.

Достондаги образларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: Булбул ва Сабо ҳамда бошқа қушлар. Булбул кўзланган мақсад томон-Гулнинг висолига эришишга интилади. Бошқа қушлар эса меҳнаткаш халқ ҳисобига яшаб, дунёнинг ноз–неъматларидан баҳраманд бўлган кишилар образидир. Достонда қушларнинг портрети, характери бирмунча тўғри ёритилади. Унда ҳар бир қушнинг ўзига хос хусусияти, ҳаёти ва табиати ҳам усталик билан ифодаланади. Китобхон Булбулнинг савол–жавобида ёки айрим қушнинг ўзини таърифлашида уларнинг ким эканини дарров билиб олади. Масалан, Товус Булбулга ўзини шундай таърифлайди:

Боқибон кўзлар ифшо шахпаримни,

Қисарлар тожиға олтин паримни.

Булбул унга жавобан:

Дединг олтин алам сен қўйруғингни

Эшитмас қушлар ҳукму буйруғингни...

Эмас олтун алам зарҳал супурги.

Ани жоруб қил уйни супурки!-

деб унинг портретини жонлантириб беради.

Салоҳий тўтининг суҳанвар, зийрак, тил билувчи, ақлли қуш эканини айтиб, ўзининг тилидан:

Ғизом учун берурлар шахду шакар

Манинг пойчам қизил, тумшуқим аҳмор, -

деб сўзлатади.

Салоҳий Кабк (какликни) тасвирлар экан, унинг ташқи кўринишини, киёфасини реал чизиб кўрсатади.

Каклик: “Қизимдур тумшугим, гўё лаълдор” деб мактанса, Булбул унинг “Қушлик” хусусиятини янада аниқроқ чизиб кўрсатади:

Деди Булбул: Аё кабки қизил кўз.

Деди: мундоғ ажаб ёлғон узун сўз...

Учолмайсан узок, эй калта қуйруқ,

Сенингда фаҳм дониш ақлдан йўқ.

Тушуб нафсинг учун банди тузоққа,

Юруб ерда учолмайсан узокқа.

Бу мисоллар шоирнинг мажозий образлар яратишда ва уларни индивидуаллаштиришда буюк устоз Навоийдан ўрнаниб, маҳорат касб этганини кўрсатади. У қушларнинг табиий киёфасини усталик билан тасвир этади. Уларнинг, айниқса Булбулнинг кечинмаларини ифодалашга катта эътибор беради.

Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонида Булбул Гулни излаб унинг висолига эришади. Навоий асарида қушлар Семурғни излайдилар. Шоир уни энг олий борлиқ ҳисоблайди. У худони оламдан ташқарида эмас, шу оламнинг ўзида, бутун коинот ва мавжудотда мужассамлашган, ҳар бир кимса ва ҳар бир нарсада зухр этган олий субстанция деб тушунади.

Худди шунингдек, Салоҳий ўзининг “Тул ва Булбул” достонида Навоийнинг “Лисон–ут–тайр” изидан боради. Худонинг зуҳурини – борлиқда–Гулда, инсонда кўради. Салоҳий ҳам инсонни улуғлаб, унинг ҳаётий моҳиятини эътироф этади. Инсонни ўзлигидан воз кечишга эмас, балки ўзлигини англашга, ҳаётни севишга чақиради. Бу Салоҳий достонининг фалсафий моҳиятидир. Достонда Гул ва Булбул бир бирининг висолига етишгач, иккиси ҳам ҳалок бўлади. Достон оптимистик руҳда ёзилган асар бўлиб, шоир “тирикликда қилинглари ишқбози” деб, инсонларни муҳаббат, ҳурмат билан ва аҳил бўлиб яшашга чақиради.

Шоир ҳукмдорларни зулм қилмасликка, халқнинг оҳ – фарёдига қулоқ солишга чақиради. Чунки у замонасидаги хонлар, бекларнинг жабру зулмларини, кенг меҳнаткашлар оммасининг беҳад жафо чекканликларини ўз кўзи билан кўрган. Шунинг учун ҳам шоир:

Агар қилмаса шаҳлар адл, эҳсон

Бўлурлар тонгла шахликка пушаймон, - дейди

Шоир Салоҳий ўз достонида муҳаббатни қуйлаш билан бирга меҳрибон ва шафқатли бўлишини тарғиб этади:

Аё Булбул менга қилдинг муҳаббат.

Қилибон меҳрибонлиғ бирла шафқат.

Достонда мардлик, мақсадга томон интилиш ва иродали бўлиш, қатъий жасорат билан ҳаракат қилиш, олға бориш мадҳ этилади. Бир ишга жаҳд билан киришиш, уни ўз вақтида амалга ошириш учун қатъий бел боғлаш кераклигини, агар бир ишга қатъий киришилса, хатто қўлга олинган тикон ҳам гулга айланишини уқтиради. Салоҳий ҳаётнинг аччиқ–чучугини тотгани, оғир турмуш тажрибаларини бошидан кечиргани туфайли ўз замонидаги кишиларни ёмонлар даврасидан узоқлашишга, яхшилардан ўрнат олишга, уларнинг фикр – мулоҳазаларини, ҳулқ–атворларини, тажрибасини ўрганишга, ўзлаштиришга чақиради:

Ёмонлар бирла ҳаргиз қилма суҳбат,

Етар андин сенга кўп ранж – меҳнат...

Ки бўлғил яхшиларнинг суҳбатида,

Бўлур файзи футуҳи суҳбатида.

Бу ўринда шоир “яхши билан юрсанг етарсан муродга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятга” деган халқ мақоли ғоясини олға суради.

Шоир ўз даврининг илғор кишиси сифатида табиат, дунё ҳақида анча чуқур фикр юритади. Унингча табиат, дунё ўзгарувчан, ҳар бир нарса ўзгариб, янгиланиб туради. У бу фикрни, халқ мақоли асосида ифодалайди:

Масалдур: Бўлмас ҳаргиз гул тиконсиз

Баҳори бўлмағай боди хазонсиз...

Баҳор орқасида боди хазон бор,

Хазон келса на гул бору на сан бор.

Шоир айтади, агар гул бўлмаса дунё куруқ даштдир. Гулу гулзор булбул билан ободдир, деган чуқур инсоний фикрни ифода қилади ва халқ мақолидаги каби одамзодни дарахтга, унинг ишқ муҳаббатини мевага, барглари соясини ақлу идрокка ўхшатиб “ишқи йўқнинг иймони йўқ” деган халқ мақолига асосланиб, ишқ муҳаббат билан яшаган киши иймон, ирода билан яшайди, деган ғояни илғари суради:

Ки ишқ имон била ҳамхона бўлди.

Бири гавҳар бири дурдона бўлди.

Салоҳий ирода ва ишонч, ишқ–муҳаббат, қатъият билан яшашнинг катта фазилат эканини айтади. Шоирнинг бу мулоҳазалари ўз замонида ҳаётга муҳаббат, инсонга ҳурмат, меҳрибонлик каби халқчиллик ғояларини тасдиқлашдан иборат эди.

Шоир дostonда чуқур фикрлар, мулоҳазаларни содда, равшан ифодаларда беришга интилади ва халққа тушунарли услуб, ифодалар қўллайди. У очик, равшан жумлалар тузади, халқ ибораларидан унумли фойдаланади:

Ки Булбул, бўлма сен чекки кўнгуллик

Кўнгулға сиғмағай икки севуклик.

ёки:

Кеча кундуз куёдурмен чироқдек.

Хуш ўртанди бу жисми нотавоним –

каби мисралардаги “икки кўнгиллик”, кўнгилга сиғмағай икки севуклик, “чироқдек куйиш”, “ўртанган жисми нотавон” каби ифодалар шоирнинг халқ мақоли, халқ ибораларидан усталик билан фойдаланганини ва ўз ўрнида ишлатганини кўрсатади.

Салоҳий бадиий образлар яратишда, ҳаётнинг турли лавҳаларини чизишда, қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини тасвирлашда буюк устоз Навоидан намуна олади ва Навоий каби фикр, мулоҳаза, ҳис – туйғуларни ифодалаш учун интилади. Унинг кушлар билан Булбул орасидаги мунозараси шоирнинг анчагина маҳоратга эга эканини кўрсатади.

Шоир айрим эпизодларни тасвирлашда табиат манзараларини чизиб, шу орқали китобхонда кучли таасурот қолдиришга интилади:

Чечаклар орасида бир чечак бор

Чиройи ул килур бўлсанг гирифтор.

Юзи онинг ажойиб оташиндур.

Латофат бобида кўп нозаниндир.

Эрур ул хуш қаду хушруй аслу.

Чечаклар ичрадур хушбуй асру.

Шоир чаман манзараси ва гулнинг нақадар ёқимли, дилрабо, инсон руҳини эркаловчи эканлигини мароқ билан ифодалайди. Гулнинг очилиши ва унинг жамоли ҳатто гулшанга ҳам тозалик, равшанлик киргизганини эҳтирос билан куйлайди.

Шоир водийни тасвирлар экан, ундаги манзараларни кўз олдимизда яққол гавдалантиради:

Бу водийда очилиб ранг – баранг гул,

Гули савсан, суман, насрин сумбул.

Кийиб олу яшил хилъатин водий.

Достонда табиат манзараларини бундай ҳаяжонли тасвирлаш шоирнинг ўз замонида маҳорат қозонган илғор ижодчилардан бири эканини яна бир бор кўрсатади.

Шоир достонда ‘Гул ва Булбул’ тилидан ғазаллар ҳам келтиради. Ғазалда ошиқ-маъшуқларнинг ички кечинмалари, бир бирларига интилишлари ифодаланади. Булбул Гул фироқида куйгани ғазалда тасвирланиб, унинг рақиблар

илкига тушиб қарасда ихтиёрсиз қийналгани ҳам равон, содда сатрларда таъсирчан ифодадарда берилади.

Салоҳий достонининг бадиий жиҳатдан пухта ишланганлиги шоирнинг кўпгина ғазаллар ёзганидан дарак беради.

“Тул ва Булбул” достони ҳазажи мусаддаси маҳбун—мафонлун фаулун вазнида ёзилган ва маснавий йўлида қофияланган.

Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонида лирик чекинишлар усталик билан берилган, диалоглар сайқалланган, умуман достон анча пухта ишланган. Шунинг учун бу достон қўлёзма ҳолида қўлдан қўлга ўтган, бир неча бор кўчирилган. Ўзбекистон фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган 3402 ва 5354 сонли қўлёзмалар ва Санкт–Петербургдаги А 836 сонли қўлёзма бу фикримизнинг далилидир. Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонида ҳар бир персонаж ҳисобланган қушларга муаллиф томонидан берилган характерли умумлашма фикрлар асарнинг қимматини янада оширади, образларни янада яққол кўрсатиб беради. Шоирнинг Ҳумоюн тилидан Булбулга қарата “мен бутун қушларнинг подишоҳиман” деб, “кимнинг бошига соям тушса шу подшоҳ бўлади деб айтгани ва унга жавобан “сен мажозий оламнинг подишоҳисан, ҳимматсиз, паст табиат ифлос нарсасан” деб қаттиқ масҳара қилади.

Тўти ўзини жаҳонда мендан ширин забон қуш йўқ, тилимдан дур била гавҳар сочилади, ҳар қандай ақлсиз киши ширин забонимни эшитса доно ва оқил кишига айланади деб мактанади.

Шундан кейин Какликнинг сўзларини эшитиб: Бас, кўп сўзлама, эй қизил кўз. Сен нафсинг учун ҳамиша тузоққа тушадиган паст табиатсан, ниманга лоф сўзлайсан. Қумри бўлса жаҳонда содиқ ошиқ фақат ўзимман, ҳатто фохтакнинг, “Бу жаҳоннинг сўфиси ёлғиз ўзимман. Мени табаррук билиб, менга тавоф қил”, деган Сўфиё билан ҳатто “Намозим билан жаннатни сотиб олдим” деган қушлар билан суҳбатда бўлади, уларнинг маънавий қиёфасидан нафратланади.

Булбул Сабо билан учрашиб “Бу дунёда дардимга дармон бўлувчи тўғри йўл кўрсатувчи доно, оқил, фақат сенсан, қани менга йўл бошла деб” хитоб қилади ва Қизил Гул томонга боради.

Шоир Салоҳий ўзининг “Тул ва Булбул” достонида саккиз қуш мажозий образи, ҳатто шоир яшаган замондаги саккиз характерли инсонларнинг ҳар бирига ўзининг кирдикорларидан келиб чиқиб характер яратади.

Демак, шоир Салоҳий XVIII аср ўзбек эпик шеърятининг асосчиларидан бири эканлигини ўзининг “Тул ва Булбул” достони орқали намойиш этади.

XVII асрнинг охири чораги ва XVIII асрнинг иккинчи ярми ўзбек мумтоз адабиётида муносиб ўринга эга бўлган Мулла аълам Шаҳёрий Салоҳиддин Салоҳий ўзбек шеъриятини ривожлантиришда ўзининг ғазаллари ва бир қанча асарлари билан муносиб ўринга эга бўлган ижодкордир. Шу жумладан унинг “Гул ва Булбул” достони диққатига сазовордир. Бу давр адабиётида халқпарварлик, ҳаққонийлик, миллийлик хусусиятларини, характерини, маънавий қиёфасини акс эттириш билан бирга унинг фикрлаш, ҳис қилиш фазилатларини, расм – русмларини, орзу – умидларини гавдалантиради. Шоир ўзи яшаган жамиятдаги феодализм оқибатидан келиб чиққан фожеаларни мажозий образлар воситаси орқали унинг асосий моҳиятини эзувчиларнинг хунук афти – башарасини очиб ташлади. Бу эпик дostonда Қизил Гул билан Булбул ўртасидаги табиий муносабат шаклини янада юқори даражада ифодалашга интилиб, айна замонда юз бераётган реал воқеа, ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш, унинг замонга бўлган норозилиги ва қаршилигини образлар воситасида жонли ифодалашга ҳаракат қилади.

Асарнинг бош қаҳрамони Булбулнинг ҳақиқатга, эркинликка, самимий севги муҳаббатга интилиш руҳини иштиёқ билан қуйлайди. У пок муҳаббат, ҳаққоният ва эркинликдан сўз очгани бўлмайдиган қора даврга ўз муносабатини киноя йўли билан ифодалади. Шоир Булбулнинг фожеасини давр фожеаси деб билди. Шунингдек шоир дostonда жамиятдаги ҳуқуқсиз халқнинг орзусини яхши замонларнинг келиш умидини мажозий образ Сабо орқали акс эттирди.

Шоир дostonдаги мажозий образ Булбул орқали меҳнаткаш омманинг зулмига, зўравонликка қарши исёнкор руҳини ифодалаб берди.

Шоир Мулла аълам Шаҳёрий Салоҳий ўз достонидида меҳнаткаш оддий халқнинг ҳар қандай оғир шароитларга дуч келганида ҳам, ўзининг ор–номусини, виждонини, гўзал ахлоқий фазилатини мажозий образ Қизил Гул орқали равшан ифодалаб берди.

Шоир Салоҳий “Гул ва Булбул” достонининг моҳиятидан келиб чиқиб унинг халқчил шоир эканини кўришимиз мумкин.

Халқчилликнинг дастлабки шарти–асарда умумхалқ аҳамиятга эга бўлган масалаларни кўтариб чиқиб уни ҳаққоний ёритиб ҳал этишдир. Агар ёзувчи ўз асарида қўйилган масалага халқ манфаати нуқтаи назаридан ёндашса, унинг

тўплаган материаллари ҳоят бой, образлари мазмунли ва ишонарли бўлиб чиқади. Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достонининг халқчиллиги асарни халқ манфаати нуқтаи назаридан ёритиш унинг халқ оммасига тушунарли бўлишини таъминлаш асосий масаладир. Бу асарнинг бадиийлигини кўрсатади. Ана шундай санъат асарлари кўпинча эпик шеърятнинг гўзал намуналари бўлиб қолди.

Ўзбек эпик шеърятини ривожланиш йўллари ундаги халқчиллик қонуниятини тарихий шароит билан боғланган ҳолда ўрганишни талаб этади.

Демак Салоҳиддин Салоҳийнинг “Тул ва Булбул” достони XVII асрнинг охири чораги ва XVIII асрнинг ўрталарида яратилган эпик шеърят тараққиётида муносиб ўринга эга бўлган мажозий характердаги асар ҳисобланади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Каримов И. А “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент “Ўзбекистон” нашриёти 2008 йил.
2. Каримов И. А “Ўзбекистон 21 аср бўсағасида, ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” Тошкент “Ўзбекистон” 1998 йил.
3. Каримов И. А “Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида” Тошкент “Ўзбекистон” 2011 йил.
4. Каримов И. А “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” Тошкент “Ўзбекистон” 2007 йил
5. А. Навоий “Асарлар” 15 жилдлик. 2 жилд 1967 йил, Тошкент
6. А. Навоий “Мукаммал асарлар тўплами” 20 жилдлик. Тошкент 1998 – 2005 йил
7. Азиз Қаюмов “Сайланма” 7 китоб “Мумтоз сўз” нашриёти 83 бет 89 бет. Тошкент 2010 йил
8. Комилов Н. “Тасаввуф” Тошкент “Мовароуннаҳр” – “Ўзбекистон” 2009 йил
9. Н. Каримов “20 аср адабиёти манзаралари” Тошкент “Ўзбекистон” 2008 йил.
10. Ҳамид Расул “Ўзбек эпик шеърятда халқчиллик” Тошкент “Фан” 1973 йил
11. Валихўжаев Б. “Ўзбек эпик поэзияси тарихидан” Тошкент 1974йил.

12. Зарипов Х. “Навоий ва Лутфий” улуғ ўзбек шоири мақоллар тўплами. Тошкент, “ФАН” 1948 йил
13. Зоҳиров В. “Улуғ шоир ижодининг қалби”, Тошкент “Ўзбекистон” 1970 йил.
14. Исоҳқов Ё. “Гул ва Наврўз” муаллифи масаласи. “Ўзбек тили ва адабиёти” 1972 йил 4 сон
15. Ҳайитметов А. “Мерос ва Ихлос”, Тошкент, 1981 йил.
16. Ҳайитметов А. “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан”. Тошкент “ФАН” 1970 йил.
17. Ҳайитметов А. “Навоий даҳоси”. Ғ. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти” 1970 йил.
18. Ҳайитметов А. “Навоийнинг адабий – танқидий қарашлари”. Тошкент “Ўзбекистон” нашриёти 1959 йил.
19. Ғаниева С. “Лисон ут - тайр” Тошкент “ФАН” Ғ.Ғулом номидаги нашриёт 1984 йил
20. Маллаев Н. “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслик. Тошкент “Ўқитувчи” 1976 йил
21. Солиҳова Ҳ. “Навоий ва Ҳирқатий” Андижон – 1993 йил
22. Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси 2 жилд. Тошкент. 1945 йил 124 бет.
23. Эркинов С. “Фарходнома” , Тошкент “ФАН” 1979 йил
24. Абдугуфуров А. “Навоий ижодида Сатира” Тошкент “ФАН” 1972йил.
25. Рустамов А. “Навоийнинг бадиий маҳорати”, Ғ. Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти . тошкент 1979 йил
26. Иброҳим Ҳаққул. “Тасаввуф ва шеърыйят” Ғ. Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси. Тошкент. 1991 йил
27. Ҳаммуаллифлик. “Эл деса Навоийни” Тошкент “Чўлпон” 1991 йил